

МУНДАРИЖА

Кириш.....	2
1.боб. Меҳнат бозори ва уни ривожлантириш ҳамда унда ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий асослари.....	5
1.1 Меҳнат бозори тўғрисидаги назарий қарашлар.....	5
1.2. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф, улар ўртасидаги муносиблик.....	16
1.3 Республикамизда меҳнат бозорини шакллантириш ва унда ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари.....	26
2-боб.Ўзбекистонда ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг хусусиятлари ва уларнинг иқтисодий таълим-тарбия жараёнида ўргатилиши.....	35
2.1.Таълим-тарбия тизимини янги bosқичга кўтариш – ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг йўналишларидан бири сифатида.....	35
2.2. Умумтаълим мактабларининг 9-синфларида “Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги” мавзусини ўқитилиши.....	50
Хулоса.....	61
Иловалар.....	63
Фойдаланилган адабиётлар.....	

Кириш.

Мустақил Ўзбекистон эндиликда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда тараққиётнинг янги босқичига шахдам қадамлар билан кўтарилиб бормоқда. Республиканинг бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётни тубдан янгиланишига замин ҳозирлайди. Ушбу ўзгаришлар дастлаб меҳнат муносабатлари орқали намоён бўлиб, меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш заруриятини келтириб чиқарди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий кадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради”¹.

Иқтисодий муносабатлар тизимида меҳнат бозори муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодий муносабатлар тизимининг муҳим таркибий бўғини бўлиб ҳисобланган ишчи кучи бозори маълум қонуниятлар асосида шаклланади ва амал қилади. Амал қилаётган ишчи кучи бозоринигина меҳнат бозори, деб аташимиз мумкин.

Меҳнат бозори механизми орқали аҳолининг бандлилик даражаси ва иш ҳақи белгиланади, яъни ишчи кучи бозори миллат фаровонлигини, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг самарасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат бозори ҳам, барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бунда талаб, бўш иш ўринларини эгаллашга бўлган эҳтиёж, таклиф эса – банд қилинмаган ишчи кучининг мавжудлиги ёки иш ўрнини ўзгартириш истаги сифатида майдонга чиқади. Талаб ва таклифнинг фондирилиши, бир томондан, ишчилар ўртасида у ёки бу иш ўрнини эгаллаш учун, иккинчи томондан эса, иш берувчилар ўртасида ўзлари учун керакли миқдордаги ва малакаларга эга бўлган ишчи кучини жалб қилиш учун олиб бориладиган рақобатли кураш орқали амалга оширилади. Ушбу курашни адолатли равишда ҳал этиш учун қатор шартларга риоя қилиш талаб этилади. Ишчи кучининг ҳаракатчанлиги ва ишлаб чиқариш кучларининг мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштирилиши бу шартларнинг муҳимлари бўлиб ҳисобланади. Миллий хусусиятларимизга боғлиқ равишда маҳаллий аҳолининг ўтроқ ҳолда яшаши туфайли, мамлакатимизда ҳудудий меҳнат бозорларини ривожлантиришга уриниш ўзига хос аҳамият касб этади. Бу эса, талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Турли меҳнат бозорлари ўртасидаги фарқни тенглаштириш, меҳнат ресурслари етарли даражада бўлган ҳудудларда ишлаб-истиқомат қилувчиларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 252-бет.

маҳаллий миқёслардаги бандлик дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, давлат молия-кредит, инвестиция ва солиқ сиёсатларини, кичик корхоналарни ташкил қилишни рағбатлантиришни, ўзгарувчан меҳнат тартибларини қўллаш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга кўмаклашадиган бошқа чора-тадбирларни амалга оширишни ҳам назарда тутлади.

Меҳнат бозорига таъсир кўрсатувчи қуйидаги ташқи ва ички омилларни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Ташқи омиллар – ижтимоий ишлаб чиқариш суръатларининг иқтисодий инқироз туфайли пасайиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, мулкчилик муносабатларининг ривожланиши, давлатнинг пул-кредит ва молиявий сиёсати.

Ички омиллар – малакатдаги демографик вазият, ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, миграция ва бошқалар.

Келтирилган омилларнинг ўрганилиши ўтиш даври иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида вужудга келган қуйидаги қатор йўналиш ва анъаналарни аниқлаш имконини беради: ишчи кучининг сифатига бўлган талабнинг ўсиши; ўз-ўзини иш билан банд қилиш даражасининг ўсиши; яшириш ишсизликнинг очикдан-очик ишсизликка айланиши; умумий бандликнинг хизматлар индустрияси томон ўзгариши; аҳоли сони ўсиш суъятининг пасайиши; аҳоли таркибининг жинс ва ёш гуруҳлари билан боғлиқ ҳолда ишчи кучини таклиф қилиш даражасининг ўсиши; энг фаол ёшдаги эркакларнинг ишчи кучи таркибидаги улуши камайиб бораётганлиги, демография билан боғлиқ вазиятнинг сўнгги йилларда ўзгараётганлигининг етарли даражада аниқ намоён бўлаётганлиги ва ҳ.к.

Шунинг учун, меҳнат бозорини тадқиқ этиш ва ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг йўналишларини аниқлаш ҳар қандай иқтисодиёт учун муҳим саналади. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли дунёда ишсизлар армияси кенгайиб бораётган бир вақтда ушбу мавзу янада долзарб бўлиб қолмоқда.

Шундай экан, меҳнат бозорини ўрганишдан мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Сизга тақдим этилаётган ушбу битирув малакавий ишимизда меҳнат бозори ва ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишларини ўрганиб чиқиб, ўз хулосаларимизни беришга ҳаракат қилдик. БМИ 2 та боб, 5 та параграф, “Кириш” ва “Хулоса” қисмларидан иборат бўлиб, унинг 1-қисми меҳнат бозори, ишчи кучи таклифи ва унга талаб, улар ўртасидаги мутаносиблик, республикамызда меҳнат бозорини шакллантириш ҳамда ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари каби масалаларнинг назарий асосларини ёритишга қаратилган. 2-қисмда эса, меҳнат бозори билан боғлиқ масалаларни иқтисодий таълим жараёнида ўргатилишининг услублари таҳлил этилган.

БМИ мавзусини ёритишда Президентимиз И.А.Каримовнинг китоблари ва маърузаларидан, республикаимиз етакчи иқтисодчи олимларнинг ўқув қўлланмаларидан ва бошқа иқтисодиётга оид манбалардан, шунингдек, Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Ушбу битирув малакавий ишда мавзунинг мазмунини тўлиқроқ баён этиш учун жадваллар, графиклар, диаграммалар ва расмлар келтирилган.

1-боб. Меҳнат бозори ва уни ривожлантириш ҳамда унда ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий асослари.

1.1. Меҳнат бозори тўғрисидаги назарий қарашлар.

Меҳнат соҳасидаги муносабатлар жамият иқтисодий муносабатлар тизимининг асосий пойдевори саналади. Бу эса, энг аввало, меҳнатнинг нафақат алоҳида олинган инсон ҳаёти, балки бутун кишилиқ жамиятининг ҳаётидаги роли билан белгиланади. Иқтисодиёт фанини деярли барча йўналишларининг намоёндалари меҳнатни ўрганишда уни жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларини манбаи, инсоннинг асосий шахсий хусусиятларини шакллантириш ва номоён этишга ёрдам берадиган фаолият сифатида қараганлар. Жамият ва инсон учун меҳнатнинг роли ва аҳамияти умум тан олинган ва ҳеч қандай шубҳа ва келишмовчиликларга сабаб бўлмасда, инсонни меҳнат фаолиятига қўшилиши воситалари, уни меҳнатга жалб этиш усуллари масаласи баҳс-мунозара предмети бўлиб қолмоқда.

Меркантилизм иқтисодий назариясига кўра, улар мамлакат бойлигини асосий манбаи “қулай савдо баланси”, яъни экспортни импортга нисбатан устунлиги ҳолатида, деб ҳисоблаганлар. Ўз навбатида, физиократлар эса, ҳақиқий бойлик манбаи – ер ва бошқа табиий ресурслардир, деб ҳисоблашган. Айнан, меркантилистлар ва физиократларнинг қарама-қарши туришидан бошлаб, иқтисодиёт фанида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарурияти ва имкониятлари тўғрисида баҳс пайдо бўлди. Агар биринчиси, давлатни тадбиркорликка ёрдамини асосли деб ҳисобласа, иккинчиси бундай ҳолатни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаган.

Меҳнат бозори ва меҳнат муносабатларини илмий англашнинг дастлабки куртаклари классик сиёсий иқтисод асосчилари: *У.Пети, Ф.Кенэ, А.Смит, Д.Рикардо, С.Сисмондиларга* бориб тақалади. Улар бозор регуляторларининг ҳар томонлама кучлилигига ишонган ҳолда, ҳар қандай бозордаги каби, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзаро тенглиги тўла бандликни таъминлайди, деб ўйлашган.

Тарихан бозор иқтисодиёти (ёки эркин тадбиркорлик иқтисодиёти) режали иқтисодиётдан аввал шаклланган. Шунинг учун меҳнатнинг ролига тааллуқли дастлабки илмий тадқиқотлар, стихияли, тартибсиз бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатдан фойдаланиш муаммоларини ёритишга қаратилган. Бандлик ва меҳнат ҳақидаги классик назариялар *А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сей* номлари билан боғлиқ.. *А.Смит* ўзининг асосий асари “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқотлар” номи китобини ёзиш жараёнида, ўз даврининг иқтисодчи олимлари, хусусан меркантилистлар ва физиократларнинг тарафдорлари қарашларидан илмий чекиниш қилди. Унинг фикрича, миллат бойлиги ишлаб чиқариш жараёнида яратилади, унинг асосий манбаи эса – инсон меҳнатидир. Шу билан бирга,

классиклар меҳнатни ишлаб чиқариш омилларида бири, яна ҳам тўғрироғи, уни товар сифатида ўргандилар. Улар давлат томонидан тартибга солинмайдиган эркин бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш ресурслари, хусусан меҳнатдан тўлиқ фойдаланишни таъминлай олишга қодирдир, деб ўйлаганлар. *А.Смитнинг* таъкидлашича, тўла бандлик – бу бозор иқтисодиётининг белгиси, унга “кўринмас қўл”, яъни бугунги кунда талаб ва таклиф деб аталмиш иқтисодий кучлар ёрдамида эришилади. *Ж.Б.Сей* *А.Смит* назариясини ривожлантира бориб, инсонлар эҳтиёжини қондиришда меҳнатнинг ролини ўрганди ва кейинчалик “Сей қонуни” номини олган тахминни ишлаб чиқди. Унга кўра, ишлаб чиқариш ўзининг шахсий талабини яратади, яъни кишилар бошқа товарларга эга бўлиш мақсадида товарлар ишлаб чиқарадилар ва сотадилар. Агар меҳнатнинг роли ишлаб чиқариш омили сифатида янги товарларни ишлаб чиқаришдаги иштироки билан белгиланса, унда унинг ўзи ҳам товар характерини ола бошлайди.

Ж.Б.Сей ишлаб чиқаришнинг уч омили (меҳнат, капитал, ер) назариясини яратиш билан меҳнат бозори назариясига ўз хиссасини қўшди.

Классикларнинг давомчилари *Д.Бартон*, *Д.Брей*, *Р.Джонслар* , меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат бозор нархи ва иш ҳақининг мувозанатли ставкасини ўрнатиш билан боғлиқ, деб ўйлаганлар. Классик мактабнинг бошқа намоёндалари каби, улар ҳам меҳнат бозорининг нотекис тараққиётини тан олсаларда, уни стихияли ўз-ўзини тартибга солиш механизмининг мустақамлигига ва иқтисодиётга давлат аралашувининг нозарурлигига ишонганлар.

АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларидаги иқтисодий мактабларнинг вакилларида *Дж.М.Кейнс*, *Р.Гордон*, *М.Фридмен*, *П.Самуэльсон* ва бошқа иқтисодчи мутахассисларнинг асарларида меҳнат ва бандлик муаммолари у ёки бу даражада кўриб чиқилган бўлсада, улар меҳнатнинг моҳияти масаласини деярли ўрганмаганлар. Аниқ иқтисодий назария доирасида у ёки бу муаммони ўрганиш даражаси ва ёритилиши кўпгина ҳолларда муаллифнинг илмий манфаати ва мақсадига, шунингдек, уни ўраб турган иқтисодий воқеликка боғлиқ бўлган.

Шу муносабат билан таъкидлаш зарурки, жаҳонда кўзга кўринган иқтисодчи олимлар – *А.Смит*, *Ж.Сей*, *А.Маршал*, *Дж.М.Кейнс*, *М.Фридман*, *П.Самуэльсон*, *Оукен*, *Филипс* ва бошқалар аҳолининг бандлиги ва ишсизлик муаммоларини, ишсизликнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш масалаларини катта эътибор билан ўрганганлар.

Классиклар (*Д.Рикардо*, *А.Смит*, *Сей*, *Мальтус*) фикрларига кўра ишсизлик, ҳаддан ташқари юқори иш ҳақи белгилаш натижасида вужудга келади. Иш ҳақи ошганда ишчи кучи таклифи ҳам ортади, ишчи кучига бўлган талаб эса камаяди. Бу қоида соф иқтисодий қонун бўлиб, бозорларга тегишли бўлгани каби меҳнат бозорида ҳам амал қилади. *Д.Рикардо* иш ҳақининг табиий даражасидан ортиб кетиши аҳоли сонининг ўсишига ва унинг оқибатида эса ишчи кучи таклифининг ҳам ортишига олиб келади деб кўрсатади.

Мальтуснинг фикрига кўра эса, иш ҳақининг юқори бўлиши туғилишни ўстиради ва меҳнат бозорида ишчи кучи таклифини кескинлаштириб юборади. Агар иш ҳақи пасайса, ўлим даражаси, касалланиш ва бошқа салбий ҳолатларни кўпайиши кузатилади. Бунинг натижасида, стихияли ва онгли равишда туғилишнинг камайиши келиб чиқади, бу эса ишчи кучи таклифининг қисқаришига сабаб бўлади. Шунинг учун улар иш ҳақининг паст даражада ушлаб туриш самаралидир, деб кўрсатишади.

Бироқ иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши орқали эса самарали бандликка эришилади. Бунда меҳнат бозорини “кўринмас кўл” қондаси асосида ҳаракатланишига ташлаб қўймасдан давлатнинг бошқарувчилик ролини ошириш лозим. Классиклар давлатнинг иқтисодий тартибга солувчилик ролини инкор этадилар.

Ҳозирги замон иқтисодий назариясида меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини таҳлил қилишда яна бир концепция неоклассиклар (*Ж.Перри, М.Федетайли, Р.Холл*) томонидан илгари сурилади. Булар, классиклар илгари сурган ғояларни давом эттирадилар. Агар меҳнат бозори мувозанат ҳолатида бўлса, ишсизлик бўлиши мумкин эмас, деб тўғри фикр билдиришади. Шу билан бирга, қасаба уюшмаларининг таъсири, давлат томонидан иш ҳақининг паст даражасини белгилаб қўйилиши, ахборотларнинг мавжуд эмаслиги каби бозорнинг “такомиллашганлиги”га асосланишади. Бу назарияда ишсизлик ихтиёрий бўлиб, бозор номуносивилигини келтириб чиқаради, деган фикр келиб чиқади.

Россияда меҳнат бозори муаммосини ўрганиш узоқ тарихга эга. XVIII –XIX асрлардаги россиялик иқтисодчи олимларнинг асарларида бандлик ва меҳнат назарияларининг алоҳида олинган аспектларигина очиб берилган бўлиб, муаллифлар ўз қарашларини классик сиёсий иқтисод йўналишида ифодалаганлар. XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, вазиятни тубдан ўзгариши, яъни қарама-қарши сиёсий гуруҳларнинг манфаатларини ўзаро тўқнашиши натижасида, кўпгина иқтисодий муаммолар каби ёлланма меҳнат муаммоси ҳам оғриқли масала бўлиб қолди. Масалан, либерал дворянликнинг ёрқин намоёндаларидан бири *С.Ю.Витте* бандлик ва меҳнат масалаларида *Ж.Б.Сейнинг* қарашларини маъқуллаб, меҳнатнинг ролини муҳим ишлаб чиқарувчи кучлардан бири сифатида талқин қилди. Унинг айтишича, “неъмат тушунчаси унга эғалик қилиш қийинчилиги ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ ва бу тасаввур неъматнинг қимматбаҳо деб аталмиш янги хусусиятини юзага келтиради”.¹ Муаллиф бу ҳақда тўғридан-тўғри айтмасада, “неъматга эғалик қилиш қийинчилиги” маъносида, балки уни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнатни назарда тутгандир. *С.Ю. Виттенинг* фикрича, “буюмнинг нафлилиги” қийматнинг манбаи бўлиб эмас, балки унинг мавжудлиги шарти бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, меҳнатнинг роли тўғрисида у деярли фикр билдирмайди.

¹ Витте С.Ю. Конспект лекций о народном и государственном хозяйстве. – СПб.:1912.-С.61.

К.Маркснинг асарларида меҳнат бойликнинг ягона манбаи эканлиги тўғрисидаги таълимотнинг тўлароқ ва тўғрироқ назарий тараққиёти мавжудлигини тан олган ҳолда¹, *С.Ю.Витте* ўз замонасининг марксистларини ўз шахсий сиёсий манфаатлари йўлида “меҳнатни эксплуатация қилиш даҳшатлари”ни бўрттиришда, “меҳнат куролларини эгаллаш” мақсадида сунъий равишда “ишчилар ҳаракатини юзага келтириш”га ҳаракат қилишда ҳамда мулкчиликни тугатиш ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини ижтимоий тақсимлаш орқали коммунистик тузумни барпо этишда айблайди.²

Рус иқтисодий назариялари, шунингдек, “ишчи масаласи” деб аталмиш қарашларнинг ғоявий асоси XX аср бошларидаги турли сиёсий партиялар ва оқимларнинг вакиллари чикишларида акс этган: октябристлар (А.И.Гучков, Г.А.Крестовников, П.С.Авдаков, Е.Е.Тизенгаузен), кадетлар (П.Н.Миллюков, П.Б.Струве, С.Н.Булгаков, М.И.Туган-Барановский), прогрессистлар (П.П.Рябушинский, М.А.Стахович, П.Н.Львов). Одатда, бу фикрлар “кун алами” бўлиб, улар меҳнат ва бандлик муаммоларини чуқур таҳлил қилишга қаратилган эмас эди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ва Россияда меҳнат бозорини тадқиқ қилишга методик ёндошув аҳамиятли даражада шаклланган, методик статистик кузатувдан, то таҳлил усулигача, прогнозлаштириш ва давлат бошқаруви дастурларини ишлаб чиқишгача.

Ўзбек ва россия фани учун характерли хусусият, ҳодиса моҳиятига қизиқиш, таърифлашда аниқлик ва бирлик бўлиб, у иқтисодиёт назарияси тушунчалари тизими, жумладан, меҳнат назарияси шаклланишида ифодаланган. Муаллифлар “меҳнат бозори” терминига урғу бериб, меҳнат бозорида ҳаракатланувчи асосий товар сифатида ишчи кучи чиқишини, у эса инсонни меҳнат фаолиятига ё ўз-ўзини банд қилиш шаклида, ёки ёлланма меҳнат шаклида қўшилишини таъкидлайдилар. Режали иқтисодиёт моделида ишлаб чиқаришнинг бозор регулятори амал қилмайди, бундай шароитда меҳнатни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик усуллари амал қилади. Шунинг учун, совет даври иқтисодий фанида ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситаларининг бевосита боғланиши тўғрисидаги нуқтаи-назар устун бўлган.³ Жамиятнинг ишчи кучидан фойдаланишини ташкил этишда давлатнинг роли масаласи умуман ўрганилмаган. Иқтисодий фандаги ғоявийлик давлат билан фуқароларнинг иқтисодий манфаатлари умумий деган қарашларни юзага келтирди, бу эса амалда инсоннинг ўз шахсий ишчи кучидан фойдаланиш ҳуқуқини чекланишига олиб келди. Шу билан бирга,

¹ Витте С.Ю. Конспект лекций о народном и государственном хозяйстве. – СПб.:1912.-С.157.

² Ўша асарда, 166-бет.

³ Кашенко А.И., Тяпкин Н.К. Некоторые вопросы содержания и формы в политической экономии социализма: Методика преподавания политической экономии: Сб. статей. - М.: Изд-во МГУ, 1968. – С. 86-87; Ковалева М.Ф. Роль собственности на средства производства в системе экономических отношений: Методологические проблемы экономической науки: Сб. статей. /Под. ред. И.И.Кузьминова и др. – М.: Мысль, 1967. – С. 239-242; Политическая экономия: Курс лекций. /Под. Ред. Спиридоновой Н.С. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 362-364; Румянцев А.М. О категориях и законах политической экономии коммунистической формации. – М.: Мысль, 1966. – С.248-253.

режали иқтисодиёт шароитида ишчи кучи товар эмаслиги адолатли ҳолатдир, деган тасаввурни уйғотади.¹ Бундай қарашларнинг сабаби, совет иқтисодий таълимотида анъанавий таърифланганидек, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслигида эмас, балки жамиятнинг меҳнат ресурсларини директив бошқариш шароитида инсоннинг ўзини меҳнатга бўлган қобилиятларидан мустақил фойдаланиш эркинлигининг мавжуд эмаслигидадир.

Замоновий ўзбек ва россия иқтисодий фанида, умуман олганда, меҳнат бозорига меҳнат муносабатларининг бутун мажмуи юзасидан меҳнат бозори субъектлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими сифатида қараш шаклланган. Шу билан бирга, бир қатор муаллифлар бутун диққат-эътиборларини ижтимоий-меҳнат соҳасини у ёки бу аспектларига қаратиб, меҳнат бозори моҳиятини аниқлаштиришга сезиларни ҳисса қўшдилар. *С.А.Карташовнинг*² асарларида меҳнат бозори – бу меҳнат муносабатларини бутун мажмуи юзасидан давлат, иш берувчилар ва меҳнаткашлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими, тайёрлов ва қайта тайёрлов, малака ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнига кишиларни жалб қилишни ўз ичига олган меҳнат хизматларини олди-сотди қилишдир. Шунингдек, *А.А.Никифорова* меҳнат бозорини айти пайтда меҳнат бозори иштирокчилари: тадбиркорлар, меҳнаткашлар ва давлат ўртасида манфаатлар тенглигига эришилганлигини ва ривожланганлик даражасини ифода этадиган ижтимоий муносабатлар тизими деб таърифлайди.³ *В.С.Буланов* меҳнат бозорини товар-пул муносабатлари сифатида талқин қилади ва уни ишчи кучига бўлган талаб, ундан фойдаланиш ва ходимни рағбатлантириш, ишчи кучини истеъмол этиш вақти кабилар билан боқлиқ деб ҳисоблайди.⁴ Бир қатор муаллифлар (*В.С.Буланов, С.А.Карташов, Э.Р.Саруханов*) “меҳнат ресурслари бозори”, “ишчи кучи бозори” каби тушунчаларни киритишни таклиф этадилар ва бунини ижтимоий-меҳнат соҳасида шаклланадиган муносабатларнинг кўп қирралиги ва мураккаблигидан келиб чиқиб таърифлаш базасини кенгайтириш зарурати, шунингдек, “меҳнат”, “ишчи кучи”, “меҳнат ресурслари” терминларининг моҳиятидаги фарқ билан асослайдилар.

Меҳнат бозорининг, уни ташкил этувчи компонентларини таҳлил қилишга таянувчи кўплаб бошқа таърифларини учратиш мумкин. Юқорида келтирилган турли қарашларни ўрганиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкин: бу йўналишларни бирлаштирадиган нарсаси, уларда меҳнат бозорининг моҳиятини очиб берувчи ҳолатлардан бири, бу бозор субъектлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими эканлигини тан олишдир.

¹ Политическая экономия: Курс лекций. /Под. ред. Спиридоновой Н.С. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 362-364.

² Карташов С.А., Одегов Ю.Г. Рынок труда: проблемы формирования и управления (на примере г. Москвы). – М.: Финстатинформ, 1998. – С.7.

³ Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. – М.: Международные отношения, 1991. – С.10.

⁴ Рынок труда и доходы населения: Учебное пособие. --/Под. ред. Волгина Н.А. – М.: ИИД “Филинь”, 1999. – С.8-10.

Бундай йўналишлардаги умумийлик, меҳнат бозори моҳиятига объектив қарашларни ишлаб чиқиш нуқтаи-назаридан ўта муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, россия ва ўзбек иқтисодчи олимларининг меҳнат бозорининг моҳияти тўғрисида ҳам, унда кечадиган жараёнлар тўғрисида ҳам, аниқ, баъзан бир-биридан фарқ қилувчи нуқтаи-назарлари мавжуд. *А.С.Булатов* таҳрири остидаги “Экономика” дарслигида ҳеч қандай изоҳсиз меҳнат бозори ишчи кучи бозори билан уйғунлаштирилади.

*А.И.Рофе, Б.Г.Збышко, В.В.Ишин*¹ асарларида меҳнат бозори ижтимоий муносабатлар тизими сифатида тушунилсада, бироқ унда ҳаракатланувчи товар сифатида ишчи кучи эмас, балки меҳнат ўрганилади. Муаллифлар томонидан келтириладиган изоҳлар эса зиддиятлидир. Товарлар бозоридаги эквивалент алмашув схемасини меҳнат бозорига механик тарзда қўчириш мумкин эмас, чунки ишчи кучи инсондан ажралган бўлмайди. Бундан ташқари, “тақдим этиладиган меҳнат” (юқорида келтирилган муаллифлар томонидан киритилган термин) меҳнатнинг ўзи каби сотиш-сотиб олиш предмети бўла олмайди. Меҳнат жараён сифатида, инсоннинг мақсадли фаолияти сифатида, ҳар доим ҳам натижа олишга эришиш билан якунланмайди, яъни ўз баҳоси билан ишчи кучи қийматиға тенглаша олмайди. Масалан, деҳқоннинг меҳнати қурғокчилик, ёғингарчилик ёки бошқа табиий офатлар сабабли ҳосилнинг нобуд бўлиши туфайли самарасиз бўлиши мумкин. Аммо, бу ҳолат, қишлоқ хўжалигидаги ёлланма ишчини унга тегишли бўлган иш ҳақини олмайди, дегани эмас. Бундан ташқари, бу ишчининг даромади (тариф бўйича иш ҳақи) меҳнатнинг якуний натижаси, масалан олинган ҳосилға эмас, балки унинг ишчи кучи характериға (касби, мутахассислиги) боғлиқдир.

Замонавий иқтисодий адабиётларда мавжуд бўлган меҳнат бозорининг моҳияти ҳақидаги турли қарашлар ва нуқтаи-назарларни таққослаш натижасида қуйидаги таърифни бериш мумкин: **меҳнат бозори – бу товар сифатидаги ишчи кучини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш орқали юзага чиқадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими.** Аҳолининг қайси тоифаси меҳнат бозори субъекти бўла олади, деган масала мустақил тарзда баҳс-мунозара предметиға айланди.

Бозорни олди-сотди қилинадиган объектлар жиҳатидан қараганда истеъмол товарлари ва хизматлари бозори, ишлаб чиқариш воситалари (ресурслар) бозори, меҳнат бозори, молия бозори, интеллектуал товар бозорига бўлиш мумкин.

Меҳнат бозори жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ниҳоятда муҳим ва кўп қиррали соҳасидир.

Бозор иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида иш кучи эгаси билан уни сотиб олувчи (тадбиркор) ўртасида муайян иш ўрни

¹ Рофе А.И., Збышко Б.Г., Ишин В.В. Рынок труда, занятость населения, экономика ресурсов для труда: Учебное пособие. – М.:МИК, 1998. – С. 46-47.

хусусида вужудга келади, бу иш ўрнида товар ишлаб чиқарилади ёки хизмат кўрсатилади.

Меҳнат бозори ижтимоий бозор иқтисодиётининг ва ижтимоий меҳнат соҳасининг таркибий қисми ҳисобланади. Илмий ва ўқув адабиётларида меҳнат бозорининг ўнлаб таърифлари бор. Бир хил олимлар уни иш кучини олиб сотишдан иборат деб талқин қилсалар, бошқалари ишсизларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларни ишга жойлаштириш масалалари билан шуғулланадиган институтлар, муассасалар ва ташкилотларнинг йиғиндиси деб таърифлайдилар.

Масалан, бир гуруҳ амалиётчи олимларнинг фикрича (*Р.Шодиёев, Б.Умрзақов* ва бошқалар) меҳнат бозорининг моҳиятини ишчи кучини олиб – сотиш жараёнида ходимлар билан иш берувчилар ўртасида қарор топадиган муносабатлардан ходимлар ишга жойлашгандан кейин ҳам давом этади. Муносабатларнинг янги тури вужудга келадики, уларни меҳнат бозорининг ҳаракат қилиш доирасига қараб кўриб чиқиш зарур. Бу муносабатлар ишчи кучининг қиймати ва нархи соҳасидаги муносабатлардир. Ишчи кучини сотиш – олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун уларни тартибга соладиган воситачи зарур бўлади. Акс ҳолда манфаатларни қондиришдаги мувозанат доимий равишда бузилиб туради ва жамият катта зарар кўради. Давлатнинг ўзи воситачи сифатида майдонга чиқади, ўзи ишчи кучига сармоя кўяди ва ундан кўпроқ самара олиш мақсадида фойдаланишга интилади.

Бу ҳилдаги ёндашувнинг моҳияти қуйидагичадир: “меҳнат бозорини иқтисодий – географик” макон сифатида таърифлаш мумкин, унда талаб ва таклифни гавдалантирувчи харидорлар ва сотувчилар яқин алоқада (ўзаро муносабатда) бўладилар, бунинг натижасида ҳар қандай бир хил маълумот учун муайян устун нарх белгиланади.

Иккинчи гуруҳ олимлар (*Р.А.Галиахметов, Р.А.Убайдуллаев, Р.А.Зайнутдинов, Ш.Н.Колосова, А.А.Никифорова, А.Абдиганиев, Ю.Г.Одегов, Н.А.Волгин* ва бошқалар) фикрича меҳнат бозорининг моҳиятини меҳнат бозорида қатнашувчилар ўртасида мафаатларни келиштириб олиш, ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизмидир – деб биладилар. Мазкур ёндашув доирасида Россиялик профессор *И.С.Маслованинг* қуйидаги таърифини келтириш мумкин: “меҳнат бозори – бу бозор иқтисодиётининг узвий таркибий қисми бўлиб, ижтимоий меҳнатни хўжалик соҳалари бўйича ижтимоий эҳтиёжлар ва мулкчилик тузилмасига мувофиқ равишда фаолият турлари ва шакллари бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизми вазифасини бажаради. Бу механизмнинг асосий элементлари иш кучига бўлган талаб ва таклиф, унинг қиймати нархи рақобатидир.

В.Павленковнинг фикрича, “олди-сотди” муносабатлари ходимларни ёллашдан уларни бўшатишгача бўлган даврда узлуксиздир... шунинг учун ҳам меҳнат бозори бозор иқтисодиётида ёлланиб ишловчиларнинг ҳаммасини: бандларни ҳам, ёлланма меҳнат билан банд бўлмаганларни ҳам қамраб олади. *С.А.Кузьмин* меҳнат бозорини “ходим – иш

берувчи” ижтимоий муносабати мажмуи сифатида қарашни таклиф этади. Бу муносабат ўзига ходим билан иш берувчининг биргаликдаги бутун фаолияти босқичларида иқтисодий тизимда вужудга келадиган барча вазиятларда (шу жумладан ишсизлик, ишлаб чиқариш таназзули, корхонанинг ёпилиши вазиятида) улар ўртасида ўзаро таъсир кўрсатишни ўз ичига олади.

Меҳнат бозорининг мақсади фақат ишчи кучини олиш – сотиш шарт шароитларини аниқлашдан эмас, шу билан бирга унга баҳо бериш, ҳақ тўлаш, ташкил этиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Меҳнат бозорининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардир: иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли орасидаги бутун ёлланма ишчи кучини қамраб оладиган умумий таклиф (Т), иқтисодиётнинг ишчи кучига бўлган умумий эҳтиёжи синоними сифатида умумий талаб (Т), бу таркибий қисмлар ўз бирлигида умумий меҳнат бозорининг хажмини белгилаб беради.

Меҳнат бозорини талқин қилишга бундай ёндашувга қарши Россиялик иқтисодчи олим *А.Э.Комляр* кескин қарши чиқди, унинг фикрича, ...мазкур ёндашув ишлаб чиқариш ва муомала сингари ўзига хос фаолият соҳалари ўртасидаги фарқларни ажратмайди. Бу ишчи кучини такрор ҳосил қилиш жараёнини ва ўзига хос бўлган ички ўзаро боғланишларнинг характерини жиддий равишда бузиб кўрсатади. Бозор чегараларининг кенгайиши ишлаб чиқаришнинг ўзини йўққа чиқаради. (Ҳақиқатан ҳам, агар иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг барчаси меҳнат бозорида бўлса, у ҳолда ўз меҳнати учун жой қолмайди).

Бундай нуқтаи назар меҳнат бозорини муомала соҳасининг элементи сифатида талқин қилишда ҳам изчил эмас. Бозорда объект айирбошлаш жараёнида бўлади, яъни қиймат шаклининг алмашиш жараёнида бўлади (товар шакли – одамнинг меҳнат қилишга бўлган қобилияти – пул шаклига – иш ҳақиға алмаштирилади). Бироқ бу айирбошлаш асло муомала соҳаси билан тугамайди. Бозордан ташқарида гарчи бу соҳага тегишли бўлса ҳам, лекин бозордан ташқари хусусиятга эга бўлган айрим жараёнлар кечади. Улар ҳам оддий товарларнинг, ҳам ишчи кучининг айланишига хосдир.

А.Э.Комлярнинг фикрига қараганда, меҳнат бозорини кенгайтирилган ҳолда талқин қилиш бандалар билан ишсизлар ўртасидаги тафовутни ниқоблайди ва соғлом фикрга қарама-қарши ўлароқ меҳнат бозорига илгари меҳнат бозорида бўлган иш ўринларига эга бўлган бандлар тоифасига ўтган аҳолининг иқтисодий жиҳатдан фаол қисмини у ерга қайтаришга уринади. Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг бандларга ва ишсизларга бўлинишини бозорнинг фаолият кўрсатаётганлиги натижасидир.

Кенг маънода меҳнат бозори – бу иш ўринларини шакллантирадиган субъектлар билан уларга даъвогарлик қилувчи субъектлар ўртасида қарор топадиган иқтисодий муносабатларнинг жадал тизимидир.

Иш ўринларини шакллантирадиган субъектлар иш ўринларининг сони сифатини, уларни олиш шартларини белгилаб чиқадилар. Иш ўринларига даъвогар субъектлар объектив сабабларга кўра одатда бу

шартларни қабул қиладилар, лекин шу билан бирга уларга таъсир кўрсатишлари ҳам мумкин.

Меҳнат бозори ҳам ҳар қандай тизим сингари, ўз ривожланиш даражаси, ташқи ва ички муҳитнинг таъсир кўрсатиши билан боғлиқ равишда муайян аниқ мақсадли йўл-йўриқларга эга бўлиши лозим. Меҳнат бозори – меҳнат бозори субъектлари ва уларнинг муайян тузилмага таъсир кўрсатишининг (ахборот, иқтисодий ва ижтимоий таъсир кўрсатишининг) ижтимоий-иқтисодий тизимидир. Мазкур тизим кўп ўлчовлидир. Унда турли социал-иқтисодий жараёнлар, чунончи, касбий тайёргарлик, касбий танлаш, моддий рағбатлантириш ва натижаларга баҳо бериш, қайта ўқитиш ва ёллаш, нарх белгилаш ва маркетинг сингари жараёнлар ўз ифодасини топади. Бундан ташқари меҳнат бозори тизими ўзаро боғланган кўпгина кичик тизимлардан (натижадорлик ва унумдорлик, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нормалаш кабилардан) иборат бўлади ва уларнинг ҳар бири бир вазифаларни адо этади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз меҳнат бозори тизими, бир томондан, бозор тартибининг илғор ўзгаришлари билан, иккинчи томондан, иқтисодиёт бозор моделининг кўпгина миллий жиҳатлари ўз шаклини ўзгартирганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг ҳозирги кунда амал қилаётган меҳнат бозори тизимини шакллантириш ҳақида гап борар экан, у жамиятда умуман ходимлар учун конъюктура ўзгаришларининг таъсирини юмшатувчи, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этувчи ва фойдани имконини берадиган шарт-шароитлар яратишга қодир бўладиган меҳнат бозори деб ҳисоблаш керак. Бундай меҳнат бозори қўшимча ходимларнинг алоҳида манфатлари билан иш берувчилар манфаатларининг мос келмаслиги содир бўлади. Ҳар бир тадбиркор ўз корхонасида камроқ иш ҳақи тўлашдан манфаатдордир. Айни вақтда унга бошқа корхоналардаги ходимлар яхшироқ иш ҳақи олишлари ва ишлаб чиқарган маҳсулотни харид қилишлари фойдалидир. Анча юқори иш ҳақи, хатто айрим тадбиркорларнинг даромадларига салбий таъсир қилган тақдирда ҳам, ижобий самарага эга бўлиши мумкин.

Жамият иқтисодий ҳаётининг ҳар қандай соҳаси каби меҳнат бозорини шакллантириш ҳам бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатишига асосий қонуниятлар билан боғлиқдир. Бироқ меҳнат бозорида алоҳида товар бўлган ишчи кучи билан боғлиқ муҳим хусусиятлар ҳам мавжуддир.

Меҳнат бозори – бозорнинг бошқа тизимлари билан узвий боғланган. Ҳақиқатан ҳам талабга эга бўлиш учун ишчи кучи жисмоний, ақлий ва касбий қобилиятларнинг белгиланган мажмуасига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнига бу қобилиятларни тадбиқ эта туриб, у ўз истеъмол сифатларини йўқотмаслиги учун доимо қайта ишлаб чиқарилиши лозим. Нафақат ўзини қайта ишлаб чиқариш, балки меҳнат ресурслари ва бутун аҳолининг сифат кўрсаткичларини ҳам яхшиланишини ошириб ёки пасайтириб, ушбу тенгсизликни йўқ қилиши мумкин. Ишчи

кучига жами талаб – инвестиция ва ишлаб чиқариш хажмлари билан тартибга солинади.

Тадқиқотчи *Павленков* таъкидлайдики, бозор иқтисодиётида меҳнат бозори ёлланиб ишлашга қодир кишиларнинг барчасини: ҳам ёлланма меҳнат билан банд бўлганлар ва ҳам банд бўлмаганларни қамраб олади. *А.А.Никифорова* эса бошқа умумий таърифни таклиф этади: “ Меҳнат бозори ривожланишининг даражаси ва бозорида иштирок этувчи кучлар: тадбиркорлар, меҳнаткашлар улар ўртасида маълум даврда эришилган манфаатлар балансини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар тизими сифатида вужудга келган”.¹ Кейинги йилларда меҳнат бозори ҳақида аниқроқ тушунчалар пайдо бўлди. Баъзи бир тадқиқотчилар меҳнат бозорини иш ҳақи ва даромадларнинг эркин ҳаракати орқали меҳнатга талабни ва ишчи кучи таклифини ўзини-ўзи тартибга солувчи механизм сифатида талқин қиладилар.

Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, меҳнат бозори иш берувчилар ва ёлланиб ишлашни хоҳловчиларни бевосита келишув орқали талаб ва таклифни қаноатлантириш учун шароитлар яратади ва ишчи кучини харид қилиш-сотиш жараёнларини бевосита тартибга солмайди. *И.С.Маслованинг* таърифи бўйича – “меҳнат бозори – бу ўсувчи тизим, унда мулкчилик субъектлари ишчи жойлари ва ишчи кучи таклифлари, ходимга ва ёлланма ишга талаб ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириб, ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат воситалари ва ишчикучи)га ўзаро таъсир этади”. Меҳнат бозори мавжуд, аммо “кесик, шакли ўзгартирилган кўринишда, бунинг устига ҳар нарсани ўз ичига оладиган характерга эга бўлмай, балки меҳнат муносабатларининг фақат бир қисмини қамраб олади”.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозори – ишчи кучининг “меҳнатга бўлган қобилиятини” сотиш-сотиб олиш тизимидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, “меҳнат бозори” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни таркибий қисмларининг систематик тадқиқоти мазкур бозорни ўтиш давридаги бажариладиган асосий вазифаларни ҳам аниқлашга имкон беради:

- ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;
- бозор услубида хўжалик юритишнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш;
- меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;
- ишсизларни иш топишга ва уларнинг малакасини ва рақобат қобилиятини оширишга кўмаклашиш;
- ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва меҳнат тақсмотини ўзгартириш.

¹ Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. – М.: Международные отношения, 1991. – С.10

И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ Меҳнат бозори меҳнат ресурсларининг ишчи кучига бўлган талаб ва таклифини шакллантириш асосида, хўжалик юритиш соҳалари ва тармоқлари, машғулот турлари ва шакллари бўйича аниқ мақсадни кўзлаб тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси вазифасини бажариши лозим”.

1.2 Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф, улар ўртасидаги мутаносиблик.

Барча бозорлардагидек меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Меҳнат бозорининг бир томонида ишчи кучи эгаси турса, иккинчисида ишчи кучига муҳтож корхона, фирма туради. Меҳнат бозоридаги таклиф кўрсаткичи бу мамлакатда мавжуд бўлган бироқ, меҳнатда банд бўлмаган, ишсиз юрган меҳнатга лаёқатли ишчи ва хизматчи фуқароларнинг миқдори билан белгиланади.

Ишчи кучи таклифи – меҳнатга фобилиятли аҳолининг ўз касби, маҳорати ва хусусиятларига мос равишда ишлашга тайёр бўлган яъни, иш қидириши тушунилади. Ишчи кучи таклифи аҳолининг демографик ва касб тайёргарлиги хусусиятларига боғлиқ бўлади. Иккинчи томондан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва соҳаларида мавжуд бўлган бўш иш жойлари меҳнатга бўлган талаб сифатида амал қилади.

Меҳнат бозорининг иккинчи бир томонида, ишчи кучига бўлган талаб туради. **Ишчи кучига талаб** деганда, иқтисодиёт соҳалари ва корхоналар учун зарур бўлган ишчи кучи миқдори тушунилади. Ишчи кучига бўлган талаб иқтисодиётда мавжуд иш ўринлари – банд иш ўринлари ва бўш иш жойлари ўртасидаги нисбатига боғлиқ бўлади. Улар орасидаги асосий фарқ шундаки, банд иш ўринлари иш кучи билан таъминлангандир. Бундан ташқари, лойихавий иш жойлари ҳам мавжуд бўлиб, улар яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган режаларга (дастур) киритилади. Мазкур иш жойлари ишчи кучига бўлган қўшимча талабнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат бозорида ёлланган ишчилар ишга бўлган ўз қобилиятини таклиф қиладилар, яъни ҳақ тўлашга нисбатан ўз ишчи кучларини ва малакасини таклиф этсалар, иш билан таъминловчилар эса ўз талабларини қўядилар, харид қилинган ишга бўлган қобилиятни сотиб оладилар ва унга ҳақ тўлайдилар.


Хуллас, меҳнат бозорида учта зарур бозор элементлари мавжуд: талаб, таклиф ва нарх (иш ҳақи ишчи кучини нархи ҳисобланади). Яъни меҳнат бозорида ишчи кучи ўз қийматиغا, баҳосига эга бўлади, уни ёллаш шартлари, жумладан, иш ҳақи аниқланади, меҳнат шароитлари, маълумот олиш имкониятлари белгиланади. Иш ҳақи эса меҳнатда бандлик даражаси ва ишсизлик орасидаги нисбатга боғлиқ бўлади. Меҳнатга талаб меҳнат келтирган фойдага боғлиқ бўлиб, доимо ўзгариб туради. Юқорида, меҳнатга талаб бошқа шарт-шароитлар ўзгармаса, талаб қонунига кўра иш ҳақиға боғлиқлиги таъкидланди. Умуман, иш ҳақи юқори бўлса, меҳнатга талаб қисқаради, агар у паст бўлса, аксинча талаб ортади. Меҳнат бозорида иш берувчилар иш ҳақини камайтиришга интилса, ишчилар уни оширишга интилади, чунки ҳар қандай товар эгаси уни яхши пуллашга ҳаракат қилади. Аммо иш ҳақи ортган шароитда ҳам меҳнатга талаб кўпайиши мумкин, чунки иш ҳақиға нисбатан меҳнат унумдорлиги тезроқ ортиб бориши юз

беради. Натижада иш ҳақиға кетган қўшимча сарфни меҳнат унумдорлигининг ортиши қоплайди ва хатто уни тежалишига ҳам олиб келади.

Иш ҳақи харажатлар воситасида фойдага таъсир этиш орқали меҳнатга талабни ўзгартиради. Қуйидаги графикдан иш ҳақи билан меҳнатга талабнинг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни кўрамиз.


Мисол учун, графикдан кўриниб турибдики, соатбай иш ҳақи 50 сўм бўлганда ишлаш учун 500 киши талаб қилинган.

График 1.




Меҳнат арзонлашиб, соатбай ҳақ 20 сўмга тушганда, меҳнатга талаб ортиб, жами 700 кишидан иборат бўлган. Иш ҳақини қисқариши меҳнатга талабни оширган. Бу талаб қонунидир. Меҳнат бозоридаги таклиф ҳам нархга нисбатан эластик бўлади, иш ҳақи ошса, меҳнат таклифи кўпаяди, камайса таклиф қисқаради. Аммо меҳнатни тирик инсон таклиф этганидан, таклиф меҳнат аҳлининг нимани афзал кўришига ҳам боғлиқ бўлади. Турмуш даражаси паст бўлиб, моддий муҳтожлик шароитида кўп ишлаб, кўп пул топишга интилиш устунлик қилади. Моддий тўқинчилик ва юқори турмуш даражаси муҳайё бўлган шароитларда оз ишлаб яхши яшаш мумкин бўлганидан, қўшимча пул топишга нисбатан дам олиш афзал кўринади. Натижада иш вақти қисқариб бўш вақт кўпайиши мумкин. Нимани афзал кўришга қараб меҳнатнинг таклифи ўзгаради. Графикдан соатбай иш ҳақининг 30, 50, 70 сўм бўлишига қараб меҳнат таклифи 300, 500, ва 700 кишидан иборатлигини кўриш мумкин, бу меҳнат таклифининг меҳнат нархига нисбатан эластиклигини кўрсатади.

График 2.



Хуллас, ҳозирги рақобат шароитида ишбилармонлар ишчи кучидан шундай миқдорда фойдаланадиларки, бунда меҳнатнинг юқори маҳсули реал иш ҳақи билан тенг бўлиши керак. Агар реал иш ҳақи хажми ошса, ишбилармон ишчи кучига бўлган талабни қисқартиради, агар реал иш ҳақи хажми камайса, ишчи кучига бўлган талаб ортади. Агар иш ҳақи катта бўлса, унга мос равишда меҳнатнинг таклифи ҳам юқоридир.

График 3.



Юқоридан кўриниб турибдики, меҳнат бозорида ҳам талаб, ҳам таклиф ҳаракати бор. Улар тенглашганда мувозанат ҳосил бўлади. Бу мувозанат маълум иш ҳақи миқдори даражасида пайдо бўлади. 1- ва 2-графикларимиздан ягона график ҳосил қиламиз. Графикда талаб чизиғи АВ, таклиф чизиғи ДS билан М нуқтасида кесишган. Бу нуқта мувозанат бўлиб, талаб билан таклиф миқдоран тенглашганини билдиради. Иш ҳақи 50 сўм бўлганда фирманинг 500 киши меҳнатига талаби қондирилади, иш қидирган 500 киши ишга жойлашади, демак ишчи кучининг бундан ортиғи керак бўлмайди.

Талаб ва таклиф мувозанатига иш ҳақидан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир этади:

1. Техника тараққиёти.

Техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириб, ишчи кучига талабни қисқартиради.

2. Иқтисодий турғунлик ёки танглик юз берганда иш ўринлари қисқаради, меҳнатга талаб камаяди.

3. Янги технологиянинг жорий этилиши малакли ишчи кучига талабни ошириб юборади.

4. Ишлаб чиқариш ҳажми, унинг ўсиш суръати, ишлаб чиқариш таркиби.

Ишлаб чиқариш таркиби ўзгарса, касбларга бўлган талаб нисбатлари ҳам ўгаради. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишчиларига талаб қисқаргани ҳолда, саноатда, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги касбларга талаб ошади.

5. Меҳнатнинг мавсумийлиги. Меҳнатга талаб мавсумий равишдаям ўзгариб туради. Масалан, йиғим-терим, курорт мавсуми тугагач, иш ҳақи қанчалик пасаймасин, шу соҳадаги меҳнатга талаб ошмайди, чунки бу соҳадаги меҳнатнинг нафлиги тугалланиб, керак бўлмай қолади.

6. Шундай меҳнат турлари мавжудки, уларга махсус қобилият талаб қилинади. Масалан, оғир жисмоний ишни соғлом ва бақувват одам бажара олади. Санъат, адабиёт, фан ва ҳаказо соҳалар алоҳида истеъдод талаб қилади.

7. Ишнинг қизиқарлилиги, ундан обрў топиш, қўшимча имтиёз олиш, юқори мансабга ўтириш имкони, ишсиз қолиш ҳавфининг йўқлиги, меҳнат шароитининг соғлом бўлишиги, ишхонадан арзон кредит олиш имкони кабилар меҳнат таклифига таъсир кўрсатади.

8. Аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришлар, яъни демографик омиллар. Масалан, аҳоли тез ўсиб меҳнат ёшига етган аҳоли қанча кўп бўлса, меҳнат таклифи ҳам шунча кўпаяди.

9. Иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудудий ўзгаришлар

10. Қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезони.

11. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви.

12. Меҳнат ресурсларини бошқарув усули.

13. Ижтимоий омиллар (миллий урф-одатлар, турмуш тарзи ва кадриятлардаги ўзгаришлар).

Демак, меҳнат таклифи нарх таъсирида эластик бўлса, бошқа омиллар таъсирида бу ҳолат бузилиб, таклиф ноэластик бўлиши мумкин.

Хуллас, меҳнат бозоридаги вазият, мувозанат юқоридаги омилларнинг таъсирида ўзгариб туради ва шунга мос равишда меҳнатга бўлган талаб ва таклиф ҳажми аниқланади. Масалан, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб таклифдан кўпроқ бўлса, бозорга ишчи кучининг кўшимча манбаларидан таклиф этилади.

Кўшимча манбалар:

а) меҳнат нафақасидагилар;

б) талабалар;

в) ўқувчилар;

г) бошқа ҳудудларда ёки давлат ишчи кучи жалб этилади.

Ишга жойлаш идоралирининг фаолиятлари кучайтирилади ва такомиллаштирилади, бошқа ҳудудлардан ишчи кучининг оқиб келиши рағбатлантирилади

Агар меҳнат бозорида ишчи кучига талаб таклифдан кам бўлса:

- ишлаб чиқариш воситаларини реконструкция ва модернизация қилиш;

- иш вақтини камайтириш;

- меҳнатни рағбатлантириш;

- иш ҳақини самарали ташкил этиш заруратини туғдиради.

Бу эса иш билан бандликни самарадорлигини ошириш билан бирга макроиктисоднинг ўсиш суръатларини жадаллаштиради. Меҳнат бозори аҳолининг меҳнатда бандлигининг асосий қонуниятларни акс эттиради. Меҳнат бозори жамиятда меҳнат тақсимотини таъминлайди, ишчи кучининг ҳаракатини, ишсизликнинг миқёсини, даражасини белгилайди.

Бозор муносабатлари тизимининг таркибий ва ажралмас бўғини бўлиб, товарлар ва хизматлар бозори қатори меҳнат бозори ҳам маълум қонунлар асосида ташкил топади, амал қилади.

Меҳнат бозори ишчи кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Ишчи кучи инсонни меҳнат қилиш қобилияти сифатида товарга айланади, олди-сотди орқали ишлаб чиқаришнинг инсон омили бўла олади. Потенциал меҳнат қобилияти бозордан ўтиб реал амалда ишлаётган қобилиятига айланади. Ўзининг вазифаси жиҳатидан меҳнат бозори ресурслар бозорига яқин туради. У шахсий талабни эмас, балки ишлаб чиқариш талабини, яъни ишлаб чиқариш омилига бўлган талабни қондиради. Бинобарин, унинг вазифаси ишлаб чиқаришни ўстириш билан боғлиқдир.

Меҳнат бозоридаги айирбошлаш оддий товарларни айирбошлагандан икки жиҳати билан фарқланади. Оддий товарларни айирбошлаганда улар бир томоннинг мулкидан бошқа томоннинг мулкига айланади, товарнинг эгаси ўзгаради. Ишчи кучи пулга айирбошланганда ишчи кучи унинг эгаси мулки бўлиб қолаверади, лекин уни ишлатиш сотиб олувчи ихтиёрига ўтади. Ишчи кучини бозор орқали истеъмол этиш унинг эгасидан ажратиб олишни

билдирмайди. Меҳнат бозорида инсоннинг ўзи эмас, балки унинг меҳнат қилиши қобилияти маълум муддатга сотилади.

Ишчи кучи қанчалик бозор муомаласига тушмасин барибир инсоннинг қобилияти сифатида ундан ажралмайди, яъни ҳар доим индивидуал мулк бўлиб қолаверади. Одатда товарлар бозорида товарни амалда истеъмол этиш, уни сотиб олишдан аввал товарнинг ҳақи тўланиши шарт. Меҳнат бозорида эса олди-сотди битими тузилади, холос. Ишчи кучини пулга айирбошлаш ундан кейин, яъни ишчи кучи истеъмол этилиши борасида амалга ошади. Ишчи кучи аввал истеъмол этилиб, сўнгра унинг ҳақи тўланади.

Меҳнат бозорининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шерикларни иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуқтаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш меҳнат бозорининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас, бунинг асосий сабаби, таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсади.

Ишчи кучига талабнинг ўсиши ёки камайиши (динамикаси) куйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши билан аниқланади: мавжуд бўлган ва янгидан яратиладиган ишчи жойлари; инвестиция салоҳияти ва унинг такрор ишлаб чиқариш тузилиши; иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар; мулкчилик шакллариининг турли-туманлиги; корхоналар ва ташкилотларнинг тўловга қодир эмаслиги (банкротлаш) ва ҳоказо.

Маълумки, иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, ҳамма фазаларида ишчи кучи энг фаол омил ҳисобланади. Чунки бошқа ҳамма омиллар ишчи кучи ёрдамида ҳаракатга келтирилади, уларнинг қийматлари сақланиб қолиниб, янги маҳсулотга ўтказилади, янги қиймат шу ишчи кучи томонидан яратилади.

Шунинг учун мамлакат миқёсида ялпи ишчи кучининг мазмунини, таркибини, ишчи кучи бозорини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишчи кучи – бу инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлиб, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Жамиятнинг миллий маҳсулоти ҳисобига ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилларигина эмас, балки шахсий омили, яъни ишчи кучи ҳам такрор ишлаб чиқарилади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ёки уни ишлаб чиқариш деганда, энг аввало, ўзининг ақлий ва жисмоний куч-қувватини ишлатиб, чарчаган ишчининг қобилиятини қайта тиклаш, яъни унинг овқатланиши, кийиниши, дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши тушунилади. Бу эса ишчи учун оила, уй-жой ва бошқа шарт-шароитлар яратилиши билан

боғлиқдир. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг ҳозирги авлоди маълум вақт ўтиши билан қарийди. Уларнинг ўринларини босадиган ўринбосарлар ҳам тайёрланиши лозим бўлади. Бунинг учун эса ишчининг оиласи, бола-чақаси бўлиши лозим, уларнинг ўсиб-улғайиши, ўқиши, замон талабига жавоб берадиган ишчи кучи сифатида камол топиши учун ҳам шарт-шароит бўлиши зарур.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, уларнинг тўла ва самарали иш билан банд бўлиш муаммосини ҳам ўз ичига олади. Иш билан тўла банд бўлишни мутлақ маънода тушунмаслик керак.

Иш билан самарали банд бўлиш меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг интенсив турига таянмоғи керак. Бу вазифани ҳал қилиш ташкил этилган иш жойларининг миқдор ва сифат жиҳатдан мавжуд меҳнат ресурсларига мувофиқлигини тахминлашни, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириб боришнинг таъсирчан чораларини яратишни, иш билан банд бўлиш шароитлари ва шакллари хилма-хил қилишни талаб этади.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви ва ишлаб чиқаришнинг интенсивлашуви ишлаб турган корхоналардан ишчи кучини бўшатиб олиш ва уни қайта тақсимлаш механизмига, аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касб танлаш тизимига таъсир кўрсатади. Мулкчиликнинг турли шакллари, ривожланган бозор иқтисодиёти ишчи кучи ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишга шароит яратади, уларни кам самарали соҳалардан бўшатиб кадрларга эҳтиёжи бўлган юқори самарали тармоқлар ва корхоналарга қайта тақсимлайди.

Ишчи кучи бозори – бу хўжалик фаолияти жараёнида “ишчи кучи” товари эгалари ва унинг асосий истеъмолчилари – давлат ва тадбиркорлар ўртасида меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш миқдорлари, ишчиларнинг малака даражаси, улар томонидан бажарилаётган ишларнинг ҳажми, интенсивлиги ва масъулият даражаси бўйича таркиб топувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизими.

Ишчи кучи бозорини тавсифлашдан олдин унинг асосий ва ўзига хос товари бўлган ишчи кучининг қиймати ва имтеъмол қиймати (нафлилиги) тўғрисида тўхталиб ўтиш зарур.

Ишчи кучининг қиймати нафақат ишчининг шахсий эҳтиёжларини қондириш, балки ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳамда унинг сифатини ошириш жараёнларини етарли даражада таъминлаш учун зарур бўлган барча ҳаётий неъматларнинг жами қийматини ўз ичига олади. Ишчи кучи қиймати ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, у турли омиллар таъсирида ошиб ёки пасайиб туриши мумкин. Ишчи кучи қийматини оширувчи омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ишчи кучига бўлган эҳтиёжларнинг объектив равишда ўсиши; меҳнат интенсивлигининг ошиши; ўқиш ва касбий билимлар олишга сарфларнинг кўпайиши ва ҳ.к. Ишчи кучи қийматини пасайтирувчи асосий омил бўлиб моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобланади. У ишчи ва унинг оиласи эҳтиёжларини қондирувчи ҳаётий воситалар қийматининг пасайишига олиб келади.

Ишчи кучи товарининг нафлилиги унинг капитал эгасининг фойда олишга бўлган эҳтиёжини қондириш лаёқати орқали намоён бўлади.

Ишчи кучи бозори товар ва капиталлар бозори билан биргаликда бозор хўжалигининг иқтисодий тизимини ташкил этади. Умумиқтисодий бозор механизмнинг таркибий қисми ҳисобланган ишчи кучи бозори талаб ва таклиф қонунига мувофиқ иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича ишчи кучи ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Бунда ишчи кучи бозори субъектларининг сифат жиҳатидан фарқ қилувчи манфаатларини ўзаро уйғунлаштириш ва боғлашни қиймат тамойиллари асосида шакллантирилади. Бу энг аввало, шу билан боғлиқки, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги узоқ муддатли мувозанат ҳолати фақат назарий жиҳатдангина мавжуд бўлиши мумкин. Реал иқтисодий ҳаётда ишчи кучи талаби ва таклифи нисбати бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсири остида шаклланади. Бир томондан, ҳеч қандай иш тури инсонни мутлақ қониқтириши, инсон эса унга мутлақ мос келиши мумкин эмас. Бунинг натижасида ишчига ҳам, тадбиркорга ҳам зиён етказувчи ишчи кучининг қўнимсизлиги пайдо бўлади. Бошқа томондан, ишчи ку захирасининг мавжудлиги ҳамда бозор иқтисодиётига хос бўлган иқтисодий инқирозлар даврида ишсизлик даражасининг ошиб кетиши ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Шунга кўра, ишчи кучи бозори ўзининг махсус товари – ишчи кучи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ўрин тутди. Ишчи кучининг бу бозордаги ҳаракати эса бир қатор ижтимоий-иқтисодий хусусиятларга эга бўлади.

Биринчидан, ишчи кучи бозори бозор иқтисодиёти иккита мустақил субъекти – капитал эгаси ва ишчи кучи эгасининг учрашиш жойи ҳисобланади. Уларни бозорга ўзаро қарама-қарши истак ва мақсадлар етаклайди, яъни уларнинг бири ишчи кучини сотишни истаса, бошқа бири уни харид қилишни истайди. Улар ўртасидаги савдо битими ишчи кучи эгасининг ўзи бўйича эмас, балки у меҳнат қилиш лаёқати, ундан фойдаланиш шартлари ва давомийлиги бўйича боради. Битим натижаси бўлиб капитал эгаси томонидан сотиб олинган ишчи кучи эвазига тўланадиган иш ҳақи миқдори ҳисобланади.

Иккинчидан, бошқа ҳар қандай товар бозорларида бўлгани сингари, ишчи кучи бозорида ҳам ишчилар ўртасида бўш ишчи ўрнини эгаллаш борасида рақобат кураши вужудга келади.

Учинчидан, ишчи кучи бозори ишчи кучи ялпи таклифининг унга бўлган ялпи талабдан доимий равишда кўпроқ бўлиши тенденцияси билан тавсифланади. Бу эса бозорда ишчилар банд бўлмаган қисми (ишсизлар)нинг пайдо бўлишига олиб келади.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиётининг цикли ривожланиши одатда, инфляция ва ишсизлик билан бирга боради. Бу иккала жараён ўртасида маълум ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, у пировардида ишчилар оммаси ҳаёт даражасининг аҳамиятли даражада пасайиб кетиши (нархларнинг ошиши, иш ҳақининг қисқариши, тўловга қодир талабнинг пасайиши ва ҳ.к.) орқали

намоён бўлади. Муайян иқтисодий шароитларда ишчи кучи бозоридаги умумий ҳолат инфляциянинг ошиши учун асосий сабаб бўлиши ҳам ёки, аксинча, унинг ошишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сониди ишсизларнинг улуши қанчалик оз бўлса, нархларнинг инфляция таъсири остидаги ўсиш суръатлари шунчалик юқори бўлади.

Инглиз иқтисодчиси А.Филлипс ишсизлик ва инфляциянинг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб берди, бу боғлиқликни ифодаловчи эгри чизиқ Филлипс эгри чизиғи деб ном олди (1-чизма). Унга кўра, инфляция даражасини 1 фоизга пасайтириш учун ишсизликни 2 фоизга ўстириш лозим бўлади.

1-чизма.

Филлипс эгри чизиғи.



Ишсизлик ва инфляция даражасидаги нисбатни тартибга солишда давлатнинг иқтисодий сиёсати асосий рол ўйнайди. Давлат иш билан бандлик даражаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги оқилона исбатни таъминлаш орқали нафақат ишсизлик ва инфляция даражасини назорат қилиши, балки уларнинг иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирининг олдини олиши ҳам лозим.

Шундай қилиб, ишчи кучи бозори бозор ҳўжалиги тизимида етакчи ўрин тутиб, уни юқори даражада ташкил этмасдан туриб иқтисодийнинг самарали амал қилишига эришиб бўлмайди.

Бозор ҳўжалиги тизимида ишчи кучи бозорининг роли у бажарадиган иккита вазифа орқали белгиланади. Биринчи вазифаси бевосита меҳнат жараёнида ишчининг ишлаб чиқариш воситалари билан бириктириш механизми ҳамда банд бўлмаган ишчи кучининг ҳаракатини самарали тартибга солиш билан боғлиқ. Иккинчи вазифаси эса ялпи ишчи кучининг сифатини янада такомиллаштирган ҳолда такрор ишлаб чиқариш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда ишчи кучи бандлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йилдан-йилга иш билан таъминланиш даражаси ўсиб бормоқда.

Давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат мамлакатимиздаги меҳнат бозори конъюнктурасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу ҳақда ва республикаимизда меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида кейинги қисмда фикр юритамиз.

1.3. Республикамизда меҳнат бозорини шакллантириш ва унда ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари.

Меҳнат бозори – халқ хўжалиги бозорининг муҳим унсури бўлиб, бу уни шаклланиши ва амал қилишининг асосий қонуниятларини ўрганиш зарурлигини келтириб чиқаради. Айнан унинг доирасида ишлаб чиқаришнинг муҳим омили – ишчи кучини олди-сотди жараёнлари юз беради. Меҳнат бозори ишлаб чиқаришдаги ишчи кучи массасининг асосий қисмини ташкил этувчи ёлланма ходимларнинг меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини белгилайди.

Ўзбекистонда меҳнат соҳасига бозор муносабатларини кириб бориши, 1992 йил “Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан бошланди. Бу қонун меҳнатни бошқариш давлат органлари амалий фаолиятига ишсизлик, меҳнат бозори, тўлиқсиз бандлик каби тушунчаларни олиб кирди. Давлатнинг тўла бандлик тамойили ва унга эришишга қаратилган амалий фаолиятдан воз кечиши, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида аҳолининг хатти-харакатини ўзгартириш заруратини англатарди. Юқорида келтирилган қонунга мунтазам ўзгартиришлар ва қўшимчалар кирита борилиши (1996 йилдан бошлаб), фуқароларнинг ишга жойлашиш муаммоларини мустақил ҳал этиш масъулиятларини оширди. Бу ҳолат, секин-асталик билан кишини ишсиз деб тан олиниши белгилари ва хусусиятларини қатъийлашиши, ишсизлик нафақаларининг тўлаш муддати ва миқдорларини қисқаришида намоён бўлди. Шу тарзда, давлат кафолатланган тўлиқ бандликдан меҳнат бозорига ўзига хос мослашиш (адаптация) ўтиш даврини якунлади.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда янги йўналишлардан бири бандлик бўйича давлат ва корпоратив сиёсатларининг келишуви бўлиб, бу меҳнат бозори тушунчасини кенг талқин қилиш асосида мумкин бўлади. Амалий фаолиятда бу муаммо ўзаро манфаатларни ифодаловчи бандлик бўйича давлат хизматлари билан жойлардаги турли ташкилотларда ходимларни бошқариш хизматларининг ўзаро боғлиқлигига бориб тақалади.

Бозор хўжалиги тизимида меҳнат бозорининг шаклланиши учта асосий босқичдан ўтади:

1-босқич – ходимларни ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашуви, натижада уларнинг шахсий эркинлиги таъминланиши, кўплаб мулкдор-иш берувчиларни юзага келиши;

2-босқич - меҳнат янада табақалашуви, унинг унумдорлиги, сифати, ҳақ тўлашнинг ошиши; ишлаб чиқариш ва ёллаш шарт-шартларини тартибга солишда ходимларни ролининг кучайиши;

3-босқич – ишчи кучининг юқори табақалашуви, компанияларнинг доимий ходимга бўлган манфаатдорлиги, яъни амалда фаолиятнинг аниқ турига йўналтирилган меҳнат бозори сегментларининг шаклланиши.

Узоқ вақтгача Ўзбекистонда меҳнат бозори шаклланишининг 1-босқичи давом этди. Бу босқичга хос белгилар: самарасиз бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш даражасининг юқори эмаслиги, аҳолининг ижтимоий, касбий ва ҳудудий мобильность пастлиги. Бугунги кунда вазият ўзгармоқда: мамлакатимиз иқтисодий тараққиётидаги ижобий қонуниятлар, унинг меҳнат бозоридаги номутаносибликларни бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Меҳнат бозори – бу динамик тизим бўлиб, унда бир томонда иш берувчилар (ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари-мулкдорлар, тадбиркорлар), бошқа томонда эса- иш олувчилар (ёлланма ишчи) ўзаро фаолият юритадилар. Бу субъектлар меҳнат бозори компонентлари тизимида муҳим ўринлардан бирини эгаллайдилар (1-расм). Айнан меҳнат бозори доирасида иш берувчи ва ёлланма ходимнинг мақсадлари, манфаатлари ва эҳтиёжларининг уйғунлашиши юз беради. (2-расм).

Иқтисодий адабиётларда “меҳнат бозори” термини билан биргаликда “ишчи кучи бозори” ва “меҳнат ресурслари бозори” каби тушунчалар ҳам қўлланилади. Ушбу тушунчаларнинг моҳиятан фарқи, “меҳнат”, “ишчи кучи” ва “меҳнат ресурслари” категорияларининг мазмунидаги фарқ билан белгиланади. Шунингдек, инсон ресурслари ва инсон салоҳияти каби тушунчаларнинг пайдо бўлаётганини ҳам эътиборга олиш зарур.

Ишчи кучи – бу инсоннинг меҳнатга бўлган индивидуал қобилияти бўлиб, у мақсадга йўналтирилган меҳнат фаолияти жараёнида қўлланилади. Ҳар бир инсон деярли меҳнат қобилиятига эга, аммо фақат меҳнат жараёнидагина у реал унумдор кучга айланади.

Меҳнат ресурслари – бу аҳолининг маълум бир қисми бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун зарур жисмоний ва ақлий қобилиятларга, касбий тайёргарлик ва малакага эгадир.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига ногиронлар ҳамда имтиёзли нафақа олувчи шахслардан ташқари 16-59 ёшдаги эркеклар ва 16-54 ёшдаги аёллар киритилади. Анъанага кўра меҳнат ресурслари таркибига меҳнат ёшидан ташқарида бўлган (14-15 ёшдаги ўсмирлар, 60 ёшдаги эркеклар ва 55 ёшдаги аёллар, агар улар ишлаётган бўлсалар) иш билан банд аҳоли ҳам киритилади. Меҳнат ресурсларининг миқдори айни вақтда жамият эга бўлган потенциал жонли меҳнат массасини характерлайди.

Инсон ресурслари экономика назариясида ишлаб чиқаришнинг муҳим омили – меҳнат ресурси билан уйғунлаштирилади. Бозорда эгаси томонидан таклиф этилаётган ишчи кучи инсон ресурслари сифатида ўрганилади.

Инсон капитали – бу инвестициялар ва инсон томонидан жамғарилган маълум миқдордаги жисмоний саломатлик, билим, малака, тажриба, мотивациялар захираси натижасида шаклланган бўлиб, ундан меҳнатнинг у ёки бу соҳаларида фойдаланилади ва нафақат ишчи кучи эгаси, балки иш берувчига ҳам даромад келтиради.

Инсон меҳнат фаолияти билан боғлиқ тушунчаларни таърифлашда чет эл олимларининг қарашлари бир-оз ўзгача.

Иқтисодиёт назарияси ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий-ашёвий омиллари мавжудлигини таъкидлайди. Шахсий омил сифатида индивидуал ва жами ишчи кучи, моддий-ашёвий омил сифатида эса – ишлаб чиқариш воситалари кўрсатиб ўтилади. Ишлаб чиқаришни ташкил этувчи учун энг асосий бойлик – янги товар ва хизматни юзага келтирувчи ягона товар бўлган ишчи кучидир. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучини товар сифатида истеъмол этилиши янги қийматнинг яратилиши билан якунланади.

Ишлаб чиқаришнинг шахсий омили бўлиб ижтимоий комбинациялашган шаклдаги жами ишчи кучи чиқади. Шахсий омилнинг таркиби ишлаб чиқаришнинг уйғунлашуви таркиби ва даражаси, меҳнат тақсимооти, кооперацияси ва ихтисослашуви даражаси билан аниқланади. Ҳар бир индивидуал ишчи кучи ижтимоий зарурий даражагача ривожланади, бу эса аниқ ходимнинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларига боғлиқ равишда шаклланган касбий-малакавий характеристикасида намоён бўлади. Шунинг учун индивидуал ишчи кучи – жами ишчи кучининг таркибий унсури, инсоннинг индивидуал меҳнати эса - жамиятнинг интеграциялашган меҳнатининг ажралмас қисмидир.

Ғарб иқтисодчилари ишлаб чиқариш омилларига қуйидагиларни киритадилар: моддий ресурслар (барча хом-ашё ресурсларини ўз ичига олган ер, капитал) ва меҳнат ресурслари (меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти).

Четдан қараганда, ишлаб чиқариш омилларининг юқорида келтирилган таснифларида ўхшашлик бўлсада, уларда принципиал фарқ мавжуд, энг асосийси – ишлаб чиқаришнинг алоҳида омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ажратиб кўрсатилишидир.

Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги – меҳнат бозори шаклланишининг асосий шартидир.

Шу билан бир қаторда меҳнат бозорининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқлимий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ва бошқа омиллар мавжуд.

Меҳнат бозори шаклланишининг асосий иқтисодий шарт-шароити бўлиб, ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчиликлари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қилади.

Ишчи кучи нархини ўзгариши меҳнат бозорини шаклланишининг муҳим иқтисодий шarti ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошираётган мамлакатларда иш ҳақининг ҳақиқий даражасини пасайиши тенденцияси кузатилади. Назарий жиҳатдан бундай вазиятда иш ҳақини қийматидан пастроқ белгилаш учун қулай имкониятлар яратилади. Аммо бундай имкониятлардан фойдаланишни давлат қонунчилиги йўли билан “тўсиб қўйиш”га ҳаракат қилади. Шу мақсадда минимал иш ҳақи ва кун кечириш учун зарур миқдор даражаси расмий равишда белгиланади. Бундай ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти нормал фаолият кўрсатганда минимал иш ҳақи кун кечириш учун зарур миқдор даражасидан кам бўлмаслиги лозим.

Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат бозорида ишчи кучини сотиш, сотиб олишнинг ҳал қилувчи ҳуқуқий шарт-шароити ҳисобланади.

Меҳнат ҳуқуқи бўйича ғарб мутахассисларининг илмий ишларида меҳнат шартномаси “ходимни иш ҳақи эвазига меҳнат қилиш мажбуриятини фуқаролик ҳуқуқига мос меъёрлар, қоидалар, концептуал конструкцияларни қўллаш имкониятлари ва заруриятни асослайди”.

Меҳнат шартномасининг бош хусусияти шундан иборатки, уни тузиш албатта бўйсунуш ва боғлиқликка олиб келади, бундан ташқари вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга қонунчилик ва узоқ муддатлилик характерини ифодалайди. Ишловчининг ёлловчига бўйсунуши иқтисодий маънода меҳнат шартномасининг асосий аломати сифатида қаралади. Бу бўйсунуш, қоидага кўра, нафақат ижтимоий-иқтисодий, техник, ташкилий, балки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Меҳнат Кодексининг барча талабларига жавоб берувчи шакллантирилган юридик характерга эга.

Юқорида қайд этилган шарт-шароитлар меҳнат бозори фаолият кўрсатишининг қуйидаги асосий тамойилларини тўлиқ амалга тадбиқ этган ҳолда мазкур бозорни шаклланишига самарали таъсир кўрсатади:

- ишчи кучининг эркин таклифи. Бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлиш ва бўлмасликни ихтиёрий танлашини, меҳнат қонунлари томонидан тақиқланмайдиган ва ҳар бир ходимнинг шахсий ва жамоа манфаатларини ҳисобга олувчи касб ва фаолият турини эркин танлаш учун шароитлар мавжудлигини аниқлатади;

- иш берувчиларни ишчи кучига мустақил талаби. Бозор иқтисодиёти ходимларни барча иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Меҳнат Кодекси қоидаларига албатта амал қилган ҳолда ишга эркин ёллашлари ва ишдан бўшатишлари ҳамда бандлик, меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлашни кафолатлаш билан фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари учун имкониятлар яратаяди;

- ёлланма ходимларни иш берувчилардан ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинганлиги;

- иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган “кун кечириш учун зарур миқдордан кам бўлмаслик”ка риоя қилган ҳолда эркин белгилаш.

Шу билан бирга шундай омиллар ҳам борки, улар комплекс ҳолда ишчи кучи таклифининг шаклланиши ҳолатига селарли даражада таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: ишлашни хоҳловчилар, ёлланган ходимлар ва иш берувчиларнинг табиий ва механик ҳаракатлари; турмуш учун зарур бўлган маблағлар жамғармаси; ёлланган ходимларнинг пул даромадлари; нафақахўрлар ва болалик аёлларнинг меҳнат ва ижтимоий пенсиялари, имтиёзлари ва кафолатлари; касбий тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга зарурияти бўлган шахсларни маблағлар билан таъминловчи давлат, корхона ва оиланинг молиявий имкониятлари; шахсий ёрдамчи хўжалигида ва ёлланмасдан “уй меҳнати”да банд

бўлганларнинг сони; қуролли кучларда хизмат қилувчилар сони ва уларда хизмат қилиш муддати; муқобил ва малакали касбий хизматларни такомиллаштириш ва ҳоказо.

Ўзбекистон шароитида меҳнат бозорининг самарали шакллантиришга тўсиқ бўладиган бир қатор чекловлар ҳам мавжуд: меҳнатни қўллашнинг ноқийшалоқ ҳўжалиги минтақаларини яхши ривожланмаганлиги; меҳнат ҳақининг паст даражаси; истеъмол товарларининг қимматлашуви; ёлланма иш кучининг малакаси ва сафарбарлигининг пастлиги; иш берувчиларнинг етарлича тажрибага эга эмаслиги ва ҳоказо.

Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий меҳнат можароларини бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди. Меҳнат бозорида мазкур муносабатлар жамоавий, шахсий ва ҳудудий усуллар асосида тартибга солинади. Жамоавий битимлар тузилаётганда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Халқаро Меҳнат ташкилотининг Конвенцияси ва тавсияларига асосланилади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенциясида (54-банди) таъкидланганидек, “Жамоавий музокаралар, бир томондан тадбиркорлар гуруҳи билан, боқа томондан эса, меҳнатқиларнинг битта ёки бир неча ташкилоти ўртасида: а) меҳнат шароити ва бандликни белгилаш; б) тадбиркорлар ва меҳнатқилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари ва меҳнатқиларнинг ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларида олиб бориладиган барча музокараларни билдиради”.

Жамоавий шартнома меҳнат муносабатлари барқарорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда битим шартлари шартнома шаклини олиб, икки томонни мазкур шартлар асосида ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида охириги чораларни кўрмасдан, яҳни иш ташлаш ёки ишдан бўшатишга йўл қўймай, ҳаракат қилишга мажбур этади.

Шахсий шартнома тизими меҳнатчининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради. Жамоавий битимларга кўра эса, бундай қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тузиладиган шахсий битим кўп ҳолларда меҳнатқиларни ижтимоий кафолатларининг каттагина қисмидан маҳрум этади.

Шу боис давлат айниқса, ҳўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ёлланма шахсий шартнома шакллари ривожини назорат қилиб боириши керак.

Республикамизда, бир томондан, ишчиларни ёллаб ишлатиш бўйича хусусий тадбиркорлик ва бизнес яхши ривожланган бўлса, иккинчи томондан эса, кам таъминланган ҳамда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган меҳнатқилар орасида ишсизлар сони ошиб борапти.

Буларнинг ҳаммаси меҳнат бозоридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг янги, самарали ҳудудий усуллари, уларни меҳнат ресурслари ортиқча ва етишмайдиган ҳудудларга бўлган ҳолда тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Республиканинг меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудлари, аввало, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун мазкур бозорни тартибга солишнинг анча самарали усуллари деб, ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайишини ҳисоблаш зарур.

Мазкур усуллар нималарда ифодаланишини батафсил кўриб чиқайлик:

а) ишчи кучига талабни ошириш усули. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан ишлаб чиқаришдан бўшатилаётган ходимлар – меҳнаткашлар сони тез кўпаймоқда.

Ишчи кучига бўлган талабни ошириш рағбатлантириш усуллари тадқиқ этиш меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга ҳамда мазкур ҳудудлар учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва харид қилиш ҳамда агросервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш кучлари ва бандликнинг ноанъанавий шакллари ривожлантириш, аграр сектордаги ишдан вақтинча бўшатилаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар – сармояларни кўпайтириш асосий йўналишларидандир.

Муваққат иш жойларини яратиш ва мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. У корхоналарнинг иқтисодий мафратдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий суғурта бадалларини камайитириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини тиенгиллатиш, бандликнинг ноанъанавий шакллари ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш каби чора-тадбирлар ёрдамида амалга оширилади;

б) ишчи кучлари таклифини камайитириш усули. Ишчи кучлари таклифини камайитириш, шунингдек, уларнинг меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин. Республикамизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида умумтаълим дастурларини кенгайтириш ва ўқиш муддатини узайтириш билан касбий тайёргарликни яхшилаш, ўқув юртларида кундузги таълим олинадиган ўқув

ўринларини кўпайтириш ва кечки ҳамда сиртқи ўқувдвги талаба ўринларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганларга стипендияларни ошириш, аёлларга бола парвариши учун тўланадиган нафақалар ва бериладиган таътил муддатини кўпайтириш, меҳнат стажини ҳисоблашда уларга имтиёз бериш, пенсионерлар, ногиронлар ҳамда уларни парваришлайдиган шахсларнинг пенсияларини ошириш – меҳнат бозорига ишчи кучининг оқиб келишини камайитириш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари етишмайдиган минтақалари (Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси)да ишчи кучларига талабни камайитириш ҳамда улар таклифини кўпайтириш меҳнат бозорини тартибга солишнинг мақсадга мувофиқ усулидир:

а) ишчи кучларига талабни камайитириш усули.

Усулларнинг мазкур гуруҳига ҳудудий ҳокимиятларнинг у ёки бу минтақаларда ва тармоқларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтирилишини секинлаштиришга оид қуйидаги чора-тадбирлар: ортиқча ишчи кучлардан фойдаланганлик учун қўшимча солиқларни белгилаш; қатъий кредит сиёсатини ўтказиш; корхонага ходимни ишга олганлиги учун бир марталик тўловни жорий этиш; ортиқча ишчи ва хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, ишчи кучларига талабни камайитиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ривожланган бозор муносабатлари шароитларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш – рақобат, фойдани тақсимлаш механизми, солиқ сиёсати каби умумхўжалик механизмлари ва дастаклари ёрдамида таъминланиши лозим.

б) ишчи кучлари таклифини кўпайтириш усуллари.

Ҳозорги шарт-шароитларда меҳнат бюросига ишчи кучлари таклифини мутлоқ кўпайтириш умуман мумкин эмас. Ҳозирги пайтда ишчи кучи таклифи касб, малака структураси бўйича ноқишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тармоқларидаги талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам ишчи кучи таклифини сифат кўрсаткичини ўзгартириш, уни рақобатбардошлигини ошириш зарур.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Янги иш ўринларини яратишнинг муҳим йўналишларидан бири бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик турлитуман кўплаб майда мулкдорлардан ташкил топиб, улар аҳамиятли миқдорда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва қисман сиёсий даражасини белгилаб

берадилар. Шунингдек, улар ўзларининг турмуш даражаси ва ижтимоий ҳолатига кўра аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этиб, бир вақтнинг ўзида кенг доирадаги товарлар ва хизматларни ҳам бевосита ишлаб чиқарувчи, ҳам уларни истеъмол этувчи бўлиб чиқадиладар. Хусусий тадбиркорлик сектори асосан маҳаллий бозорда амал қилувчи ҳамда товарлар ва хизматларни оммавий истеъмоли билан бевосита боғлиқ бўлган кўп соҳаларга ажралган корхоналар тармоғини вужудга келтиради.

2010 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2010 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 50,1 фоиздан 52,5 фоизгача ўсишини таъминлади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва бу билан боғлиқ аҳоли даромадларини ошириш ҳамда турмуш сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2010 йилда 953,7 мингта, шу жумладан қишлоқ жойларда 576,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Жами янги иш ўринларининг 65 фоизи кичик бизнес ва фермерлик соҳасида ташкил этилди. Аҳолининг реал пул даромадлари 2009 йилдагига нисбатан 23,5 фоизга ўсди.

Президентимиз И.А.Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузаларида таъкидлаганларидек: “ Аҳоли банлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шартидир”.

2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини асосан қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган.

Бу иш ўринларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда.¹

Энг муҳими, жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунё бўйича 56 млн. кишидан ортиқ ишсизлар армияси вужудга келган бир шароитда Ўзбекистонда юз минглаб янгидан-янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бунинг яна бир аҳамиятли томони, янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмларининг таркиб топгани ва унинг бир қатор йўналишлар бўйича изчил амал қилиб келаётганлигидир.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

¹ Барча режа ва дастуримиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 26 январь.

2-боб. Ўзбекистонда ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг хусусиятлари ва уларнинг иқтисодий таълим-тарбия жараёнида ўргатилиши.

2.1. Таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш – ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг йўналишларидан бири сифатида.

Ишлаб чиқаришда барча турдаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини фақат илмий кашфиётларни замонавий технологик жараёнга жалб қилиш асносидагина тубдан ошириш мумкин. Иқтисодий ўсишнинг турли назарияси барқарор иқтисодий ўсишга иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитидагина эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида профессионал мутахассислар етишмаса, янги ва юқори даражада аниқ технологияларни ушбу соҳага самарали жорий этиб бўлмайди.

Таълим янги технологиялардан юқори даражада фойдаланиш, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, инновацион жозибадорлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.

Ишчилар, муҳандислар, менежер ва бошқа мутахассислар талаблар даражасида тайёрланмайдиган мамлакатлар иқтисодиёти хом ашё қазиб олиш ҳамда унга юзаки қайта ишлов бериш, техниканинг нисбатан оддий турларини йиғишга ихтисослашган паст ва ўрта технологик ишлаб чиқаришлар билан чекланишга маҳкумдир. Аини пайтда юқори маълумотли, энг мураккаб технологияларни ўзлаштирувчи интилувчан ходимларга эга мамлакатлар юқори билим ва илм талаб буюмлар ишлаб чиқариш ва технологик хизматлар кўрсатишга ихтисослашган халқаро корпорациялар эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилади.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш учун сарфланадиган инвестициялар миқдори қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириладиган капитал қўйилмалардан кўпроқ бўлиши лозим.

Шунингдек, самарали бандлик даражасига эришиш шартларидан бири – ишчи кучининг миқдор ва сифат кўрсаткичини меҳнат бозори талабларига мослаштиришдир. Бунинг учун эса таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги алоқани самарали ташкил этиш зарур. Чунки, ҳозирги даврда меҳнат бозорининг мувозанатлаштирилмаганлиги, битирувчиларнинг сифати, малака даражаси, иш берувчилар талаби билан ўқитиш мазмуни ўртасида номуносиблик мавжудлиги сабабли, ўқув муассасалари томонидан ҳудудларда кадрларга бўлган реал эҳтиёжлар хусусида маълумотларга эга бўлмаган ҳолда режаланишига салбий таъсир этмоқда. Энг асосийси, ҳозирги даврда меҳнат бозорини тадқиқ этиш тизими ва механизми мавжуд эмас.

Истиқболда малакали кадрларга бўлган талаб қуйидагилар таъсирида шаклланади:

1. Иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар.
2. Кичик ва хусусий тадбиркорлик ролининг ошиши.
3. Жамиятнинг барча соҳаларида бозор механизмлари, бозор муносабатларининг ривожланиши.

Ҳисоб-китобларга кўра 2020 йилга бориб, Республикамиз аҳолисининг сони 31,5 млн. кишини ташкил этади. Республикада таълим олмоқчи бўлган талабаларнинг сони қарийиб 3 баробар кўпаяди. Олий ўқув юртларининг жойлашув зичлигидан келиб чиққан ҳолда 2020 йилда мамлакатда 100 га яқин олий ўқув юртлари хизмат кўрсатиши мақсадга мувофиқ. 10000 минг аҳолига тўғри келадиган талабалар сони бўйича Ўзбекистон Республикаси дунёда ўртача мавқега эришиб 30% ни ташкил этади. Ғарб мамлакатларида ушбу кўрсаткич 50% ни ташкил этади. 10000 аҳолига нисбатан талабалар сони 2020 йилга бориб, тахминан 190 кишини ташкил этади ва Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига етади¹.

Таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш лозим. Ҳозирги вақтда мавжуд алоқалар “таклиф-эҳтиёж” ҳолатида бўлиб, ўқув муассасалари кадрларга бўлган мавжуд эҳтиёждан эмас, балки ўзларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрламоқдалар.

Маълумки, жамиятда фуқароларга ўзининг қобилиятига асосланиб, меҳнат қилиш ва муносиб ҳаёт кечириши учун ҳуқуқий ҳамда ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратилиши лозим. Бунда таълим тизими ва унинг самарали фаолият кўрсатиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, ҳозирги даврда ходимнинг ўз меҳнат фаолияти натижасида оладиган даромадининг миқдори, унинг билими, касбий маҳорати ва кўникмалари билан белгиланади.

Инновациялар натижаларидан фойдаланиш қобилияти мамлакат қанчалик рақобатбардош эканлигининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, ҳозирги даврда, келажакда таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсирини кучайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири “таълим-фан, ишлаб чиқариш” ўртасидаги боғлиқликни янги босқичига олиб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини иқтисодий бошқаришда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши лозим:

- мамлакатимиз иқтисодиётининг салоҳияти;
- миллий иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқлари учун зарур мутахассисларга талаб;
- миллий кадриятлар ва анъаналаримиз;
- таълим муассасаларида бошқаришни ташкил этишнинг ўзига хослиги.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Президентимиз томонидан таъкидланганидек, 2009 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Ижтимоий соҳа – аҳоли турмуш тарзи, унинг фаровонлиги, истеъмоладаражасига бевосита боғлиқ бўлган ва уларни белгилаб берувчи тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар мажмуи. Ижтимоий соҳага энг аввало хизмат кўрсатиш соҳаси (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия, умумий овқатланиш, коммунал хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорти, алоқа ва бошқалар) киради.

Ижтимоий соҳа объектлари – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ижтимоий дастурлар – аҳолининг бевосита турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни ўз ичига олган режавий ҳужжатлар.

Капитал маблағлар – муайян мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида шакллантирилган ва йўналтирилган маблағлар.

Ушбу мақсадлар учун 2009 йилда жами 2,5 миллиард доллар миқдорида капитал маблағлар йўналтирилди. Бу ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажмининг 27,8 фоизини ташкил этади.

Ижтимоий соҳанинг муҳим, айтиш мумкинки, марказий таркибий қисмларидан бири – бу таълим тизимидир. Таълим тизимининг аҳамиятини мазкур соҳа фаолиятининг узоқ муддатли даврда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгилаб бериши орқали изоҳлаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам бугун иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган турли касб эгалари ва мутахассислар – кечаги таълим соҳасидаги машаққатли меҳнатнинг натижаси ҳисобланади. Айниқса, замонавий билимлар кучайиб, фан-техника тараққиёти жадаллашиб бораётган бир шароитда таълим тизимининг роли бекиёсдир.

Шунга кўра, мамлакатимиздаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бу борадаги замонавий ютуқ ва тажрибаларни жорий этиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, 2009 йилда уларнинг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. Бунинг натижасида, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш яқунланмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – Ўзбекистон Республикасининг

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган бўлиб, юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Айни пайтда, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда узлуксиз таълим тизими тамойилларидан келиб чиққан ҳолда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда республикаимизда 600 га яқин мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, улар ўз ичига ўқувчилар ижодиёт марказлари, техник ижодиёт марказлари, экология марказлари, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари, соғлом авлод марказлари, болалар истироҳат боғлари, тил марказлари, нутқ марказлари, касбга тайёрлов марказлари ва бошқаларни олади (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2009-2010 ўқув йилида фаолият юритаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари

Таълим муассасалари турлари	Сони	Сол. салм., фоиз
Жами	566	100,0
Шундан:		
Ўқувчилар ижодиёт марказлари	258	45,5
Техник ижодиёт марказлари	124	21,9
Экология марказлари	103	18,1
Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари	55	9,7
Бошқа турдаги (соғлом авлод марказлари, болалар истироҳат боғлари, тил марказлари, нутқ марказлари, касбга тайёрлов марказлари ва бошқалар) марказлар	26	4,5

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг

муҳим шарт сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 3431-сонли Фармонида мувофиқ кучга кирган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари сифатида мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш; энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш; яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш; ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш белгилаб берилган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланган:

- капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги биноларни бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;

- таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

- умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

- умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

Энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялашда ёшларимизга нафақат билим бериш, балки уларни ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига – маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, фан ва бошқаларга қизиқтириш муҳим ҳисобланади. Ана шу мақсадда бугунги кунда мактаб ўқувчиларимизнинг 524,2 минг нафари мактабдан ташқари таълим муассасаларига, 2694,2 минг нафари умумтаълим мактабларидаги фан тўғаракларига, 286,5 минг нафари спорт мактабларига, 41,4 минг нафари мусиқа мактабларига, 150,3 минг нафари устоз-шогирд йўналишидаги тўғаракларга қамраб олинган. Бу кўрсаткич Республика бўйича жами ўқувчилар сонига нисбатан 75,1 фоиз (3657,3 минг нафар)ни ташкил этади

Ҳозирда ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги йўналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2010 йилда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш доирасида 14 та умумтаълим мактаблари, 4 та академик лицей, 99 та ўқувчи талабалар турар жойларини, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Термиз Давлат университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги ўқув корпусларини қуриш, Тошкент Молия институтининг ўқув корпусини қайта таъмирлаш амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатмиз келажаги бўлган ёш авлодни касбга ўргатиш уларда касбий маҳорат ва кўникмаларни ҳосил қилишда ўрта махсус касб-хунар таълими тизими муҳим аҳамият касб этади. 2009 йилда иқтисодиёт тармоқларининг кичик мутахассис кадрлар билан таъминланиши ҳолати ўрганилиб, ҳудудлар кесимида муайян мутахассисликларга бўлган эҳтиёж қондирилганлигини ва янги мутахассисликларга истикболда талаб мавжудлигини инобатга олган ҳолда, 123 та касб-хунар коллежларида 62 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди; 159 та касб-хунар коллежларида 86 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди; 34 та касб-хунар коллежларининг ихтисослиги ўзгартирилди.


Ҳозирда миқдор кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтиб борилаётганини эътиборга олган ҳолда, ўқув муассасаларини дарслик ва ўқув услубий қўлланмалар билан таъминлаш масаласида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. 2009-2010 ўқув йили давомида сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор ажратилиб 315 номдаги 23 млн.га яқин дарслик ва ўқув услубий қўлланмалар тайёрланиши режалаштирилган (2.1.2-жадвал).

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 2009 йилда республика олий таълим муассасаларини 66426 нафар ёш мутахассис (20930 нафари - 32 фоизи давлат гранти асосида, 45496 нафари - 68 фоизи тўлов-контракт асосида) тамомлаган (2.1.1-расм).

2.1.2-жадвал. 2004-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун чоп этилган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар тўғрисида маълумот

Дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар	Ўқув адабиётлари номлари	Чоп этилган ўқув адабиётлари	Сарф этилган умумий	шу жумладан:	
				Бюджет маблағлари	%


чоп этилган ўқув йили	сони	сони, млн. дона	маблағ (млрд. сўм)	ҳисобидан (млрд. сўм)	
2004-2005	541	10,8	10,8	7,9	73,3
2005-2006	463	16,9	14,2	9,9	69,6
2006-2007	333	23,9	21,4	14,2	66,3
2007-2008	248	19,5	17,78	11,08	62,3
2008-2009	299	16,5	15,5	10,1	65,2
2009-2010	315	22,7	25,8	8,5	32,9
Жами	2199	110,2	105,5	61,7	58,4



2.1.1-расм.

Жумладан, бакалавриятнинг кундузги бўлимларини 52011 нафар (18246 нафари давлат гранти асосида, 33765 нафари тўлов-контракт асосида), махсус сиртқи бўлимларини 6140 нафар (1236 нафари давлат гранти асосида, 4904 нафари тўлов-контракт асосида), магистратурани 8275 нафар (1448 нафари давлат гранти асосида, 6827 нафари тўлов-контракт асосида) ёш мутахассис битириб чиққан.

XXI аср ахборот технологиялари асри деб эътироф этилиши ҳисобга олинса, баркамол авлодни шакллантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш, ўқитувчи-муррабийларнинг меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришни самарали тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади (2.1.2-расм).



2.1.2-расм.

Президентимиз бугунги кунда ёшларни, умуман илм-фан инсонларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантиришга ундаб, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш зарурлигига эътибор қаратди.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, талантли ёшларни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Президент томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлашни таклиф этилди.


Ўтган йиллар мобайнида умумтаълим мактаблари бўйича ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, физика лаборатория хоналари билан таъминланганлик даражаси 71,2 фоизга, кимё лаборатория хоналари 68,4 фоизга, биология лаборатория хоналари 68,4 фоизга, ўқув компьютер синфлари 54,7 фоизга ошди, 2010 йилда ўқув компьютер синфлари билан таъминланганлик даражасини 76,3 фоизга етказиш режалаштирилмоқда (2.1.3-расм).

Замонавий информацион ва коммуникацион технологиялар, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқалари ва Интернет тизимини ҳар бир оила ҳаётига кириб келишини таъминлашга қўмаклашиш борасида республикамізда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Таълим тизими ўзининг ZiyoNET тармоғига эга бўлиб бунда, таълим тизими, таълим муассасаларидаги ҳаёт, илм-фан ва бошқа янгиликларни, маълумотларни ўзида мужассам этган.

Ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида, ҳамда ёшларни спорт билан доимий шуғулланишлари

борасидаги ишларни кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш – баркамол авлодни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларининг ўқув-лаборатория хоналари билан жиҳозланиши



2.1.3-расм.

Болалар спортини ҳамда жисмоний тарбия соҳасидаги ишларни ривожлантириш, ёшларни узлуксиз спорт машғулотларига кенг жалб қилиш, мақсадида «Баркамол авлод-2011» спорт ўйинларини, «Унверсиада-2010» спорт ўйинларини ўтказиш, давлат ва халқаро стандартлар асосида 79 та болалар спорт масканларини замонавий спорт инвентарлари ва жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2010 йилда Сингапурда ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги биринчи Олимпия ўйинларга тайёргарлик кўриш ва қатнашиш, ёшлар ўртасида оммавий спорт ўйинлари (футбол, волейбол, баскетбол)ни ривожлантириш, ногирон болалар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш, халқаро тоифали спорт усталари билан «мастер-класс» учрашувларини ташкил этиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда спортга жуда ҳам катта аҳамият қаратилмоқда, бу масалага ҳукумат даражасида эътибор қаратилиши натижасида юртимизда жаҳон миқёсида ўтказиладиган спорт беллашувларида юртимиз байроғини юқори кўтарилишига эришилмоқда. Жумладан, катталар ва ўсмирлар олимпия спорт турлари бўйича 5 та олтин, 5 та кумуш ва 12 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Мамлакатимизда спортга ёш қизлар ва аёллар ҳам кенг жалб этилган. Ҳозирги кунда республикаимиз бўйича 25% аёл ва ўқувчи қизлар, 23% уй бекалари спорт тўғрақларига қатнашиб келишмоқда.

Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти.

Касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг, хусусан, қишлоқ жойлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларда чуқур билимли, юксак савияли, янгича фикрлайдиган ёшларнинг иштирок этишини таъминлаш барчамизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз ҳисобланади. Чунки:

1) бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади;

2) бугунги ёшлар — эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг бунёдкорларидир;

3) бозор иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи тадбиркорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра таваккалчилик, ҳаракатчанлик, ишбилармонлик каби сифатларни тақозо этадики, буларнинг аксарияти кўпинча ёшларда мужассамлашган бўлади;

4) инсон меҳнатининг сермахсуллиги даражаси, унинг яратувчанлик қобилияти ёшлик даврида нисбатан юқори бўлади.

Жамиятимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва хусусий тадбиркорлик секторининг вужудга келиши ёшларнинг эркин касб танлаш, истаган фаолият тури билан шуғулланиши учун кенг имконият яратиб беради. Айниқса, уларнинг иқтисодиётдаги соғлом рақобатнинг манбаи сифатидаги кичик корхоналарни ташкил этишдаги роли бу борада улкан салоҳият ҳисобланади.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик ёшларимизнинг иқтисодий фаоллик, тадбиркорликни амалга ошириш борасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари етарли бўлмаяпти. Баъзида бу фаолиятга интилиш бўлгани билан, маълум маслаҳатлар, йўл-йўриқ ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тақчилликлар сезилмоқда. Шунга кўра, фикримизча, мамлакатимиздаги ёшларнинг иқтисодий фаоллигини янада кучайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим ҳисобланади:

1. Мактаблар, ўрта-махсус билим юртлари ҳамда олий ўқув юртларида иқтисодий ва ҳуқуқий таълим беришни янада кучайтириш.

2. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ёшларнинг ижодий марказлари, конструкторлик ва технологик бюrolари, илмий ғояларнинг амалий татбиқини йўлга қўювчи бўлинмаларни ташкил этиш.

3. Республикадаги ёшлар билан шуғулланувчи муассасалар, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органларининг ўз мақсад йўналишидан келиб чиққан ҳолда фаолиятларини жонлантириш.


4. Мамлакатимиздаги корхоналарнинг ўқув юртларидаги бўлғуси мутахассислар билан ўзаро алоқасини йўлга қўйиш.

5. Корхоналарда ёшларнинг ўз ижодий ва ички имкониятларини тўлиқ намоёниш эта олишлари, моддий, маданий ва маиший эҳтиёжларини қондира олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

6. Республика шаҳар ва туманларидаги меҳнат билан бандлик хизматлари фаолиятида ёшларга алоҳида эътибор ажратиш, ўзига хос ижтимоий гуруҳ сифатидаги хусусиятларини назарда тутган ҳолда турли йўналишдаги хизматларни ташкил этиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг амалга оширилиши ёшларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги ҳиссаларини янада оширишда, уларнинг миллий мафкура ҳамда умумхалқ манфаатларининг фаол курашчисига айланишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Шунингдек, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари битирувчилари ва кишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг фаол тадбирларини амалга ошириш муҳим ҳисобланади (2.1.4-расм).



2.1.4-расм.

Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиш ва иқтидорли ёшларнинг илмий ишларга фаол жалб этиш учун шароитлар яратиш борасида қайси йўналишда фаолият олиб бормасинлар, ёшларимиз доимий равишда ҳукуматимиз қўллаб-қувватлашларидан баҳраманд бўлиб келмоқда (2.1.5-расм).

Бугунги кунда республикамызда фаолият юритаётган 303 та болалар мусика ва санъат мактабларида 40,1 минг нафар ўқувчи ёшларга 6,4 мингга яқин устозлар сабоқ бермоқдалар.



2.1.5-расм.

2009 йил фан олимпиадаларининг республика босқичида жами 437 нафар ўқувчи-талабалар иштирок этиб, улардан 56 нафари ғолиб бўлдилар (2.1.3-жадвал).

2.1.3-жадвал. 2007-2009 йилларда Халқаро фан олимпиадаларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кўрсатган натижалари тўғрисида маълумот

Йиллар	Фанлар номи	Иштирок чилар сони	Ўтказилган жойи	Жами медаллар сони	Олтин медал	Кумуш медал	Бронза медал	Диплом
2007 йил	Математика	6	Вьетнам	4		1	3	
	Математика	8	Москва	0				3
	ЖАМИ	14		4	0	1	3	3
2008 йил	Физика	4	Олмаота	2		1	1	
	Математика	4	Олмаота	1			1	
	Математика	6	Испания	4			4	
	Кимё	13	Тошкент	13	1	1	11	
	ЖАМИ	27		20	1	2	17	
2009 йил	Математика	6	Германия	3		1	2	
Умумий жами		47		27	1	4	22	3

Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларга ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оилани барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиш борасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

- ёш оилаларга уй жой харид қилиш учун кредитлар бериш;
- 2010-2011 йиллар давомида Тошкент шаҳар, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 32 та хонадонларни ёш оилаларга кейинчалик харид қилиш шарти билан ижарага бериш;
- 42 та бахт уйларини қуриш ва қайта таъмирлаш;
- республикамиздаги барча туман ва шаҳарларда 10 та кам таъминланган оилаларнинг тўйини ўтказиб бериш;

- барча туманлардаги 50 та кам таъминланган ёш оилаларга биттадан бепул қора мол ажратиш;
- ёш ва кам таъминланган оилаларга ҳар ойда моддий ёрдамларни амалга оширишда кўмаклашишлари назарда тутилмоқда.

Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш – долзарб вазифа.

Ёшларда соғлом турмуш тарзи таъминлашини мустаҳкамлаш, уларни наркомания, маънавийсизлик, ўзга ёт маданиятлар, таҳдидлар ва ташқи таъсирлардан сақлаш мақсадида:

- «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ўқув юртларида «Биз гиёҳвандликга қаршимиз» фестивалини ташкил этиш;
- ёшлар орасида ВИЧ-инфекция ҳақида буклетлар, плакатлар, тарқатма материалларни миллий қадриятларга мос равишда ишлаб чиқиш ва тарқатиш;
- дам олиш истироҳат боғларни, маданият саройларни, майдонларни қайта тайёрлаш;
- 71 та ҳарбий чақирув пунктларини капитал таъмирлаш;
- ҳудудларда ёшлар телерадио студиалари, матбуот марказларини ташкил этиш;
- маҳаллаларда ёшлар ва аҳоли ўртасида терроризм, миссионерлик каби салбий ҳолатлар бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун ва моҳиятини тушунтиришни тизимли асосда оммавий ахборот ишлари орқали ташкил этиш, ундаги ҳар бир инсон ўрнини кўрсатиб бериш ҳамда бу дастурни амалга оширилишида барча фуқароларни фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадини амалга оширишда маҳалла, ўқув юртларида ва барча ташкилотларда давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар ўтказилиши режалаштирилди.

Дастурни кенг жамоатчиликка ҳавола этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузасини - «Баркамол авлод» китоби шаклида нашр этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Келажак ёшлар кўлида» тўпламини нашр этиш, «2010 йил – Баркамол авлод йили» плакатлар мажмуасини чоп этиш кўзда тутилди.

Юқоридагилардан кўринадики, 2010 йилда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасидаги ишларимизнинг узвий, ажралмас қисми ҳисобланади.

2010 йилда касб-хунар коллежлари академик лицейларни куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-

техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди.

Умуман олганда, 2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-хунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўғарақларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўтган йилда фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар 2009 йилда олти та мусиқа ва санъат мактаби қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, ҳисобот йилида 46 та шундай мактаб фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига 51 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу ўтган йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. 2011 йилда ушбу ходимларнинг иш ҳақи ўртача камида 25 фоизга оширилади. Таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаш учун бюджетдан 420 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг 367 миллиард сўм миқдоридаги маблағи ҳисобидан жорий йилда 336 та таълим муассасасини, 65 та болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қарийб 1500 та компьютер синфини ташкил қилишни таъминлаш, шунингдек, 118 та спорт залини қуриш ва жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Корея Эксимбанкнинг 30 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан умумтаълим мактабларида яна қўшимча равишда 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланади.

Ҳозирги кунда 2011-2015 йилларда Олий ўқув юртларини ривожлантириш дастури тайёрланмоқда ва ушбу ҳужжат яқин вақт ичида қабул қилинади. Дастурдан кўзланган асосий мақсад – олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув, лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Бу буюк вазифаларни амалга ошириш учун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан тўпланган салоҳиятимиз ва имкониятимиз бор, куч-қудратимиз етарли. Энг муҳими, эртанги кунга бўлган қатъий ишончимиз бизга мустаҳкам пойдевор бўлажак¹”.

Шундай бўлсада, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масаласида ҳали ҳам айрим муаммоларга дуч келаётганимизни айтиб ўтиш жоиз. Бундай муаммолардан бири – бу ёшларимизни, айниқса коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашдир. Президентимиз ўз маърузаларида², 2011йилда касб-хунар коллежларини тамомлайдиган 450 мингдан ортиқ ўқувчини ишга жойлаштириш эътиборимиз марказида бўлиши даркорлигини таъкидладилар.

Бу борада, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллежларнинг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрлаши ва уларни амалга ошириш масаласига янада масъулият билан ёндашиши талаб этилади.

Шу муносабат билан муайян корхона ва иш берувчиларни турдош коллежларга бириктириш тажрибасини, доимий амал қиладиган “корхона-коллеж” ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т., 2010.

² Барча режа ва дастуримиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 26 январь

2.2. Умумтаълим мактабларининг 9-синфларида “Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги” мавзусини ўқитилиши.

Ишлаб чиқаришда барча турдаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини фақат илмий кашфиётларни замонавий технологик жараёнга жалб қилиш асосидагина тубдан ошириш мумкин. Иқтисодий ўсишнинг турли назарияси барқарор иқтисодий ўсишга иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитидагина эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида профессионал мутахассислар етишмаса, янги ва юқори даражада аниқ технологияларни ушбу соҳага самарали жорий этиб бўлмайди.

Таълим янги технологиялардан юқори даражада фойдаланиш, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, инновацион жозибадорлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.

Ишчилар, муҳандислар, менежер ва бошқа мутахассислар талаблар даражасида тайёрланмайдиган мамлакатлар иқтисодиёти хом ашё қазиб олиш ҳамда унга юзаки қайта ишлов бериш, техниканинг нисбатан оддий турларини йиғишга ихтисослашган паст ва ўрта технологик ишлаб чиқаришлар билан чекланишга маҳкумдир. Айни пайтда юқори маълумотли, энг мураккаб технологияларни ўзлаштирувчи интилувчан ходимларга эга мамлакатлар юқори билим ва илм талаб буюмлар ишлаб чиқариш ва технологик хизматлар кўрсатишга ихтисослашган халқаро корпорациялар эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилади.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш учун сарфланадиган инвестициялар миқдори қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириладиган капитал қўйилмалардан кўпроқ бўлиши лозим.

Шунингдек, самарали бандлик даражасига эришиш шартларидан бири – ишчи кучининг миқдор ва сифат кўрсаткичини меҳнат бозори талабларига мослаштиришдир. Бунинг учун эса таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги алоқани самарали ташкил этиш зарур. Чунки, ҳозирги даврда меҳнат бозорининг мувозанатлаштирилмаганлиги, битирувчиларнинг сифати, малака даражаси, иш берувчилар талаби билан ўқитиш мазмуни ўртасида номутаносиблик мавжудлиги сабабли, ўқув муассасалари томонидан ҳудудларда кадрларга бўлган реал эҳтиёжлар хусусида маълумотларга эга бўлмаган ҳолда режаланишига салбий таъсир этмоқда. Энг асосийси, ҳозирги даврда меҳнат бозорини тадқиқ этиш тизими ва механизми мавжуд эмас.

Истиқболда малакали кадрларга бўлган талаб қуйидагилар таъсирида шаклланади:

1. Иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар.
2. Кичик ва хусусий тадбиркорлик ролининг ошиши.

3. Жамиятнинг барча соҳаларида бозор механизмлари, бозор муносабатларининг ривожланиши.

Ҳисоб-китобларга кўра 2020 йилга бориб, Республикамиз аҳолисининг сони 31,5 млн. кишини ташкил этади. Республикада таълим олмоқчи бўлган талабаларнинг сони қарийиб 3 баробар кўпаяди. Олий ўқув юртларининг жойлашув зичлигидан келиб чиққан ҳолда 2020 йилда мамлакатда 100 га яқин олий ўқув юртлари хизмат кўрсатиши мақсадга мувофиқ. 10000 минг аҳолига тўғри келадиган талабалар сони бўйича Ўзбекистон Республикаси дунёда ўртача мавқега эришиб 30% ни ташкил этади. Ғарб мамлакатларида ушбу кўрсаткич 50% ни ташкил этади. 10000 аҳолига нисбатан талабалар сони 2020 йилга бориб, тахминан 190 кишини ташкил этади ва Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига етади¹.

Таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш лозим. Ҳозирги вақтда мавжуд алоқалар “таклиф-эҳтиёж” ҳолатида бўлиб, ўқув муассасалари кадрларга бўлган мавжуд эҳтиёждан эмас, балки ўзларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрламоқдалар.

Маълумки, жамиятда фуқароларга ўзининг қобилиятига асосланиб, меҳнат қилиш ва муносиб ҳаёт кечириши учун ҳуқуқий ҳамда ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратилиши лозим. Бунда таълим тизими ва унинг самарали фаолият кўрсатиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, ҳозирги даврда ходимнинг ўз меҳнат фаолияти натижасида оладиган даромадининг миқдори, унинг билими, касбий маҳорати ва кўникмалари билан белгиланади.

Инновациялар натижаларидан фойдаланиш қобилияти мамлакат қанчалик рақобатбардош эканлиги муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, ҳозирги даврда, келажакда таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсирини кучайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири “таълим-фан, ишлаб чиқариш” ўртасидаги боғлиқликни янги босқичга олиб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини иқтисодий бошқаришда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши лозим:

- мамлакатимиз иқтисодиётининг салоҳияти;
- миллий иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқлари учун зарур мутахассисларга талаб;
- миллий қадриятлар ва анъаналаримиз;
- таълим муассасаларида бошқаришни ташкил этишнинг ўзига хослиги.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар салоҳиятига, айниқса ёшларнинг иқтисодий таълимига алоҳида аҳамият берилган. Ҳозирги юқори синф ўқувчиси — эртанги мамлакатимиз иқтисодиётидаги туб

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзгаришларнинг иштирокчиси, бозор муносабатларининг тўлақонли субъектидир. Унинг келажакдаги тақдири мактабда олган таълим сифатига, ўқувчиларни бозор муносабатларига мослашувчанлигини шакллантиришга боғлиқдир.

Долзарб ҳаётий иқтисодий тайёргарлик бозор иқтисодиётининг хусусиятлари билан белгиланади. Ҳозирги кунда инсоннинг иқтисодий билимларни эгаллаши, турли хўжалик тизимларни, уларнинг турли вазиятлардаги ривожланишини ўрганиши, шахснинг иқтисодий-касбий маҳоратларини шакллантириш Республикамиз ривожланишининг асосий шарт-шароитларидан биридир.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов “Инсон иқтисодиёт учун эмас, иқтисодиёт инсон учун”, - деган фикрлари мамлакатимизда ўтказилаётган тўб иқтисодий ислохотларнинг асл мақсади ва мазмунини ифодалайди, ислохотларнинг амалга оширилиши ҳар бир ўзбекистонликнинг иқтисодий имкониятларини юксалтиради. Бунинг учун ҳар бир жамоада ва ишлаб чиқаришда тадбиркорликка асосланган янги иқтисодий дунёқарашни шакллантириш муҳимдир. Демак, ҳар бир ўқувчининг иқтисодий билимларни ўрганиши ўзининг ҳаётий эҳтиёжини қондирибгина қолмай, бозор иқтисодиётига амал қилиш механизмларини, тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятларини ўзлаштириш, шунингдек, бозор шароитида иқтисодий дунёқарашни шакллантиришга ҳаракат қилишини тақозо этади.

Демак, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши, унинг механизмларини билиш, иқтисодий билимларни, иқтисодий фикрлашни, иқтисодий қонун-қоидаларни яхши билиш тежамли хўжалик юритишга, меҳнатни кадрлашга чорлайди, инсоннинг иқтисодий билимларини оширади. Бу ўринда буюк маърифатпарвар ватандошимиз А.Авлонийнинг ёзишича: “Иқтисод деб, пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилуру. Мол қадрини билувчи киши ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда, бир сўмни аямас”, - деган нақлига амал қилиш зарур. Шу сабабли иқтисодий билимларни эгаллаш фақат мутахассисларгагина эмас, ёхуд ҳар бир фуқаро учун зарурдир.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам, шунингдек, уларни иқтисодий таълим орқали ёшларга етказиб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда. Чунки, 2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли

даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислохотларни амалга оширишнинг босқичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ушбу масаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 25 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Президентимизнинг ушбу ва ундан аввалги маърузаларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши ҳамда бу борадаги махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқирилиши ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб етиши йўлида барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаб этади. Айниқса, иқтисодий таълим-тарбия жараёнига ҳам бир қанча масъулиятларни юклайди.

Шунга кўра, Президентимиз маърузаларини ҳамда дунёда ва мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий янгиликларни ўқувчи-ёшлар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, уларда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш мақсадида умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Иқтисодий билим асослари”, ўрта-махсус касб-хунар коллежларида эса

“Иқтисодиёт асослари” фанлари доирасидаги мавзулар орқали уларга тушунтириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1996 йил 29 апрелдаги 92-буйруғига кўра барча умумтаълим мактабларига махсус дастурлар ва ўқув қўлланмалари асосида иқтисодий таълим фани киритилди. Буйруққа асосан, иқтисодий таълим бошланғич таълимда (1-5-синфларда) математика, алифбе ва ўқиш китоби фанлари; ўрта умумтаълимда (5-11-синфларда) она тили, хорижий тиллар, математика, география, давлат ва ҳуқуқ асослари, меҳнат фанлари таркибида олиб борилиши билан бир қаторда, 9-11-синфларда “Иқтисодиёт ва бизнес асослари” фани давлат компонентидаги соатлар ҳисобидан ҳафтасига бир соатдан алоҳида дарс сифатида киритилган эди.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўрта умумтаълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарори ва “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1999 йил 16 августдаги қарорига кўра 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида “Иқтисодий билим асослари” фани 8-9-синфларда ҳафтасига бир соатдан алоҳида дарс сифатида киритилди.

Ўрта умумтаълим мактабларида иқтисодий таълим мақсадлари куйидагилардан иборат:

- миллий истиқлол ғояларини тарғиб этиш;
- халқимизнинг тарихий, интеллектуал, маънавий ва иқтисодий меросини ўршаниш;
- ватанпарварлик, миллий ғурурни таркиб топтириш ва ривожлантириш;
- иқтисодиёт илми ривожига ҳисса қўшган қомусий олимларимиз илмий меросидан ўқувчиларни хабардор қилиш;
- ўқувчиларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, янги иқтисодий маданият, янгича иқтисодий фикрлаш ва тафаккурни шакллантириш;
- республикамизнинг иқтисодий салоҳияти, ҳукумат томонидан олиб борилаётган, Президент асарлари, Фармон, қонун ва қарорларда ўз аксини топган иқтисодий сиёсат асослари, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари билан таништириш;
- ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, уларга замонавий иқтисодий назария ва тадбиркорлик асосларини сингдириш;
- ўқувчиларга янги иқтисодий шарт-шароитлар асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган амалий иқтисодий билим ва малакаларни бериш;
- ўқувчиларда жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришларнинг иқтисодий моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, фикр юритиш ва ўз муносабатини билдириш кўникмаларини таркиб топтириш;

- иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятларда энг мақбул ечимни топа билиш кўникмаларини таркиб топтириш.

Мактабда иқтисодий таълим иқтисодий билим асослари фанининг барча фанлар билан уйғунлашувига таянади. Иқтисодий тафаккур география, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, информатика, математика ва бошқа умумтаълим фанлари асосида ҳам шаклланади. Мактаб ўқув фанлари дастурларига айрим иқтисодий тушунчаларнинг киритилиши, бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашга ҳамда иқтисодий фанларни ўрганиш жараёнини чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Хусусан, математика фани таркибида қуйидаги иқтисодий тушунчаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади: эҳтиёжлар, ресурслар, айирбошлаш, товар, пул, чиқим, даромад, фойда, зарар, унумдорлик, ҳосилдорлик, валюта айирбошлаш, даромад, истеъмол функцияси, ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми, талаб ва таклиф, мувозанат нарх, солиқлар, амортизация, банк, кредит ва ҳ.к. Бу тушунчаларга доир турли характердаги масала ва мисолларни ечиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тарих ва бошқа ижтимоий фанлар орқали қуйидаги иқтисодий тушунчаларни киритиш тавсия этилади: асосий моддий эҳтиёжлар, иқтисодий муносабатлар, таклиф қонуни, меҳнат тақсимооти, мулк шакллари, корхона турлари, иқтисодий давр, иқтисодий тизимлар, иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши, бозор иқтисодиёти, иқтисодий интеграция, иқтисодий маданият ва ҳ.к.

География фанини ўқитиш жараёнида қуйидаги иқтисодий тушунчаларни бериб бориш мақсадга мувофиқ бўлади: географик меҳнат тақсимооти, иқтисодиётнинг ҳудудий жойлашуви, ривожланиши, иқтисодий интеграция, глобализация, ҳудудий ихтисослашув ва ҳ.к.

Меҳнат бошқа технологик фанлар таркибида қуйидаги иқтисодий тушунчаларни ёритиш мумкин: оила хўжалигини юритиш йўл-йўриқлари, тадбиркорлик фаолиятининг асослари, меҳнат ва меҳнат фаолиятининг самарадорлиги, иқтисодий билим, малака кўникмаларни қўллашнинг амалий асослари.

Мактабларда алоҳида фан сифатида ўқитила бошланган иқтисодий билим асослари фани мактабнинг ихтисослашганлигига, кадрлар билан таъминланганлигига, ўқувчиларнинг билим савиясига ва бошқа имкониятларга қараб ҳар хил ҳажмда ўқув режасига киритилиши мумкин. Иқтисодий билим асослари дарслари бошланғич мактабларда бошқа фанлар орқали мактаб компонентидаги соатлар ҳисобидан 17-34 соатлик махсус курс сифатида, 5-7-синфларда мактаб компонентидаги соатлар ҳисобидан йилига 34 соатдан, 8-9-синфларда асосий давлат компонентидаги соатлар ҳисобидан 34 соатдан, кўшимча мактаб компоненти соатлари ҳисобидан чуқур иқтисодий билим бериш учун кўшимча дарслар ўқитилиши орқали 136 соатгача бўлиши мумкин. Бу ўқув режалари иқтисодий билимларнинг ўқувчилар томонидан турли даражада ўзлаштирилишини таъминлайди. Бу даражаларни шартли равишда 3 га бўлиш мумкин:

1. Минимал даража – иқтисодий билим асослари фани бўйича ҳар бир ўқувчи ўзлаштириши зарур бўлган таянч мазмун. Бу даража билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун пойдевор вазифасини ўтайди, у барча учун мажбурийдир.

2. Асосий даража – умумтаълим доирасида минимал даражага нисбатан тўлиқроқ ва чуқурроқ маълумот бериши назарда тутилган билим ҳажми.

3. Иқтисослаштирилган даража – иқтисодий билим асослари фанига қизиқадиган, иқтисодий билимларни муваффақиятли тарзда чуқур ўзлаштиришга қодир бўлган ўқувчиларга мўлжалланган махсус билим ҳажми.

Иқтисодий таълимнинг минимал даражаси давлат компонентида кирган соатлар ҳажмида олиб борилади. Иқтисодий таълимнинг чуқурлаштирилган даражалари эса мактаб компоненти учун ажратилган соатлар ҳисобидан имконият ва эҳтиёж нуктаи назаридан келиб чиқиб, бошланғич синфлардан ёки 5-синфдан бошлаб киритилиши мумкин. Бунинг учун эса, ўқувчилар ижодкорлигини ва индивидуал иқтидорини ривожлантиришга шароит яратиш, уларнинг қобилиятларини ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий билим асослари чуқур ўрганиладиган синфлар ва мактаблар ташкил этиш кўзда тутилади.

“Ўзбекистон Республикасида Ўрта умумтаълим тўғрисида низом” ва ўрта умумтаълим бўйича давлат таълим стандартларининг қабул қилиниши, вужудга келган янги ижтимоий вазият ҳамда шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ўрта умумтаълимнинг мақсади, мазмуни, вазифаларини ойдинлаштириб берди.

Давлат таълим стандартига мос равишда иқтисодий таълим бўйича ишлаб чиқилган дастурда, 9-синфларда “Иқтисодий билим асослари” фанининг 23-мавзуси: “Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги” деб номланади. Қуйида ушбу мавзу бўйича дарснинг намунавий ишланмасини келтирамиз.

23-ДАРС.

Дарс мавзуси: **Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги.**

I. Дарс мақсади:

- меҳнат бозорида ишчи кучи нархининг шаклланиш механизмини тушуниш;
- иш ҳақи миқдорига таъсир этувчи омилларни санаш.

II. Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий атама ва тушунчалар:

- ишчи кучи таклифи;
- ишчи кучига бўлган талаб;
- ишчи кучининг бозор нархи.

III. Дарс учун зарур жиҳозлар ва маълумот манбалари:

- 9-синф дарслиги.

IV. Дарснинг босқичлари ва вақт тақсими:

1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Уйга берилган вазифани текшириш	5 дақиқа
3	Янги мавзунини бошлашга ҳозирлик	4 дақиқа
4	Янги мавзунини ёритиш: а) мустақил иш б) мунозара в) савол-жавоб г) хулоса	6 дақиқа 8 дақиқа 6 дақиқа 4 дақиқа
5	Янги мавзунини мустаҳкамлаш	4 дақиқа
6	Баҳолаш	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа

V. Дарснинг тафсилотлари:

Ўқувчилар дарсликдаги расмларни кўздан кечириб чиқишади ва қуйидаги саволларга жавоб тайёрлашади:

1) Дарсликдаги расмда касб эгаларининг ойлик маошлари миқдорини тахминан аниқланг ва уларни камайиш тартибида жойлаштириб чиқинг;

2) Нима сабабдан бу касб эгаларининг ойлик маошлари миқдорини турлича белгиладингиз?

Ўқувчиларга мустақил ишлаш учун 6 дақиқа вақт ажратилади ва тайёрланиб бўлишгандан сўнг мунозара шаклида дарс ташкил қилинади.

Инсон меҳнати, унинг ишчи кучи ҳам товар ҳисобланиб, у меҳнат бозорида сотилади ва сотиб олинади. Бозорда ишчи кучи меҳнатга лаёқатли аҳоли томонидан сотилади, корхоналар ва фирмалар томонидан сотиб олинади. Ишчи кучига талаб – иш берувчи корхоналар томонидан, унинг таклифи эса, ишга лаёқатли аҳоли томонидан шаклланади. Бу эса ўз навбатида, меҳнат бозорининг бошқа бозорлардан фарқли, ўз хусусиятларини келтириб чиқаради. Ишчи кучи таклифи – бу одамлар билан боғлиқ бўлганлиги учун уни камайтириб ёки кўпайтириб, одамлар сонини муайян вақтда ўзгартириб бўлмайди.

- *Ишчи кучининг нархи қандай ўлчанади?*

Ишчи кучининг нархи унга тўланадиган пул иш ҳақи билан ўлчанади. Ишчи кучи нархи қанча арзон бўлса, бундай меҳнат билан шуғулланувчилар сони шунча кам, аксинча ишчи кучи нархи қанча қиммат бўлса, бундай меҳнат билан шуғулланмоқчи бўлган ишчилар сони шунча кўп бўлади. Дарсликдаги 23.1-чизмани чизиб, таҳлил қилиб берилади.

Ишчи кучининг нахи кўп ёки кам бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади.

1. Ишчи кучидан қанча кўп махсус билим, малака ва тайёргарлик талаб қилса, у шунча қиммат туради.

2. Ишнинг натижаси, яъни унинг эгасига яратилган товар ва хизматлар сотилгач, қанча кўп фойда қолса, ишчининг иши ҳам шунча юқори баҳоланади.

3. Иш қанчалик оғир ва кишидан катта жисмоний куч талаб қилса, шунча қиммат бўлади. Масалан, шахтёрлар инженердан кўп маош олади.

4. Ишнинг хавфлилик даражаси ёки таваккалчиликни талаб қилишига қараб ҳам юқори баҳоланади.

Уйга вазифа.

1. “Билимингизни синаб кўринг!”даги 2,3,4,5,6-саволлар.
2. Машқ.

Музокаралар

- Музокаралар — эшитиш аниқ ташкил этилган икки томон фикрлари алмашинуви.
-
- «Ерга мулкчилик: ҳозирги ҳолати ва келажаги» мавзусида

музокаралар ўтказинг.


Иккита гуруҳга бўлининглар: ерни хусусийлаштириш тарафдорлари ва қаршилари. Ҳар бир гуруҳда бошчини сайлаб олинглар.

Ўйлаб кўринг, музокаралар иштирокчилари қандай тузилма ва ташкилотларни намоён этишлари мумкин? Шунга мувофиқ ролларни ўйлаб чиқинг ва уларни тақсимланг.

Музокараларни бошқарадиган раисни сайланг.

Музокараларни ўтказишда қуйида келтирилган «Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши» схемасига асосланинг.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



? Сизнинг фикрингиз бўйича музокаралар ва баҳс ўртасидаги фарқ

нимадан иборат?

Хулоса.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг ижтимоий сиёсати фақат жамият аъзоларининг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат бўлмасдан, балки меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган бизнинг республикада иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Иқтисодий ислохотлар даврида ушбу масалани ҳал этиш учун республикада бир катор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Биринчидан, кенг фаолият турлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш. Биринчи навбатда, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материалларини тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш.

Меҳнат ресурсларнинг бандлиги ва унинг даражаси ҳар қандай давлат иқтисодиётини кўрсатувчи ва ифодаловчи белгилардан биридир.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги даражаси қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст бўлади, яъни бу икки иқтисодий категория бир-бирига номутаносиб характерга эга. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва ўсиши меҳнат ресурсларининг бандлигини, ишсизлик ва унинг даражаси, баҳоларнинг ўсиши, яъни инфляция ва бошқа жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ижобий ёки салбий таъсири остида ўзгариб туради. Иқтисодий барқарорликка эришиш учун энг аввало ишчи кучининг тўла ва самарали бандлигини таъминлаш зарур.

Бандлик иқтисодий категория бўлиб, унга қуйидаги тоифадаги шахслар киради.

1. Ёлланиб ишловчилар ва хорижий давлатларда ишловчи ишчи гуруҳлари.

2. Тадбиркорлар, кооперативлар, фермерлар аъзолари, уларнинг иш фаолиятида қатнашаётган оила аъзолари.

3. Иш ҳақи олиб ишловчи ногиронлар.

4. Қисман ишбилан банд бўлган талабалар ва уй бекалари.

5. Эркин касбдаги ишчилар. Жамоат ташкилотлари, маданият бирлашмаларида фаолият юритаётганлар.

6. Ҳарбий ва муқобил хизматдагилар.

7. Оиланинг ёрдам берувчи аъзолари, болаларни тарбиялаш билан банд бўлганлар ва катта ёшдаги фуқароларга қарайдиганлар.

Бандлик таркибига 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган ва ундан катта ёшдаги жисмоний ва руҳан соғлом аҳоли гуруҳи киради ва улар қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

- 1) ёлланиб иш бажарувчи ва бунинг учун тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш вақти шарти асосида ҳақ оладиганлар, даромад келтирувчи бошқа иш билан шуғулланганлар;
- 2) турли сабабларга кўра вақтинча ишда бўлмаганлар;
- 3) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарганлар.

Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий категория сифатида ижтимоий меҳнат муносабатларининг турли-туман шаклларида иборат бўлиб, кишилар у ёки бу иш ўрнидан ижтимоий фойдали фаолиятда тегишли даромад олиш билан иштирок этиш учун бу муносабатларга киришадилар.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги, унинг товар сифатидаги ишчи кучи меҳнат бозорини тарқ этганда ва уни истеъмол қилиш бошланганда вужудга келади. Бандлик муносабатлари барча меҳнатга қобилиятли шахслар, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этаётганларни, уларнинг иштирок этиш даражаси қандай эканлигини кўрсатиб беради.

Бу ерда фақат миқдор жиҳати эмас, сифат жиҳатини ҳам назарда тутиш муҳим аҳамиятга эгадир. Меҳнатга лаёқатли аҳоли:

- 1) ишда бандлар;
- 2) норасмий бандлар, яъни бандлиги кўрсатилмаганлар;
- 3) ишсизлар гуруҳи.

Бандликнинг ўзи 2 гуруҳга бўлинади:

- 1) анъанавий бандлик, яъни тўла иш ҳафтасида доимий бандлар;
- 2) ноанъанавий (эгиловчан) бандлик.

Масаланинг муҳим бир жиҳати шундаки, ишчи кучига меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламига илк бор кирган ёшлар бу уч гуруҳ бўйича тақсимланадилар. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ёшларнинг аксарияти бандлиги кўрсатилмаганлар гуруҳига мансуб бўлиб қолишмоқда, бу асосан, қишлоқ жойларида кўпроқ намоён бўлмоқда.

Бунга сабаб:

Биринчидан, қишлоқ жойларидаги меҳнат бозорида меҳнат ресурслари тақлифининг унга бўлган талабдан ортиқлиги.

Иккинчидан, ёшларда тегишли касб-хунарнинг йўқлиги.

Учинчидан, ёшларда иқтисодий ва ҳуқуқий билимларнинг етишмаслигидир.

Ҳозирда ҳисобга олинмаган бандлар ҳисоб-китобини амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади, бу ҳолат расмий иқтисодиётнинг барқарорлаштиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, бугун дунё иқтисодиётидаги аҳвол таҳлил қилинар экан, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози ҳали-бери ниҳоясига етгани йўқлигини кўриш мумкин. Бу эса, бандлик муаммосини янада долзарб масалага айлантирмоқда.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “...кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айтили вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва

даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим”.¹

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2010 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 50,1 фоиздан 52,5 фоизгача ўсишини таъминлади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва бу билан боғлиқ аҳоли даромадларини ошириш ҳамда турмуш сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2010 йилда 953,7 мингта, шу жумладан қишлоқ жойларда 576,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Жами янги иш ўринларининг 65 фоизи кичик бизнес ва фермерлик соҳасида ташкил этилди. Аҳолининг реал пул даромадлари 2009 йилдагига нисбатан 23,5 фоизга ўсди.

Президентимиз И.А.Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузаларида таъкидлаганларидек: “Аҳоли банлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истикболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шартидир”.

2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини асосан қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган.

Бу иш ўринларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда.²

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000, 17-бет.

² Барча режа ва дастуриimiz Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 26 январь.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Барча режа ва дастуримиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 26 январь.

2. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

3. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

4. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

6. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2010 йил, 28 июль, ПФ-4232-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

11. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

12. Ўзбекистон иқтисодийни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 5 б. (электрон версияси билан).

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 331 бет.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

15. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: «Фан ва технология» нашр, 2008. – 314 б.

16. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаш -тиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт нашр, 2008. – 128 б.

17. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 102 б.

18. Зияев Т.М. Ишчи кучи ва бандлик назариялари. – Т.: ТДИУ, 2007.

19. Зияев Т.М. Тармоқ ва корхона иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2007.

20. Шодмонов Ш.Ш., Юсупов Р.А. Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДИУ, 2007.